Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 18 июн | 24 (53)- сон

ЕР ЮЗИДА ҲАЁТ ХАССОС

Ҳақиқатан ҳам, Ер юзида ҳаёт жуда хассос! Бу хассосликнинг ортидан хаёл ва тасаввур қуввати билан қувиб етиш қийин. Унинг қамровлари ва тармоқланишларини ҳам англаб олиш ғоятда мушкул.

Бу хассослик мамлакатлар, қитъалар тақдиридагина эмас, барча одамлар, Ер юзидаги истисносиз ҳар бир одамнинг ҳаётга интилишлари ва ҳаёт тарзларида ўз аксини топиб турибди.

Ўзбекистонда бу хассослик янада сезиларлироқ. Турмуш кўринишларида яхшилик сари уринишлар яққол намоёндир. Мустақилликнинг қудратли механизми жиддий ҳаракатга кирди. Ҳамма зарур олижаноб тушунчалар ўз ўрнига тушмоқда. Ҳақиқат йўллари ойдинлашиб бормоқда. Навоийдан иқтибос қилиб айтадиган бўлсак, ойни мис товоқ деб гумон қилиб ва шунга ўз-ўзларини ишонтириб юрганларнинг ҳам онг ва қарашларида қийинчиликлар билан бўлса-да ижобий томонга ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақиллик тушунча сифатидагина эмас, тарихий-ижтимоий ҳодиса сифатида ҳам кишилар дилига ўрнашмоқда.

Аср бошларидаги озодлик инқилобларида ва айниқса, 1918 йилги Туркистон суверенитети учун кураш палласида халқ ўз тақдирини ўзи белгилашдан четда туриб қолди. Мана шу четлашиш, аралашмаслик, халқнинг ўзига ҳам, мамлакат тақдирига ҳам жуда қимматга тушди. Аралашмай турган халқни ўшанда болшевиклар ғирт ёлғон ваъдалар ва мунофиқона «камбағалпарварлик» билан бутунлай бошқа, хатарли йўлларга бошлаб кетдилар. Ўз ёвуз империячилик мақсадлари ҳамда ниятларини ўша маккорона «камбағалпарварлик» билан яширдилар. Бу яшириш болшевизмнинг охирги кунларигача давом этди.

Табиати ва моҳияти алдов, маккорлик, зўравонлик, аёвсиз террордан ташкил топган болшевизм ҳаракати Россиядек мамлакатда охирги нафасларини олиб тарих қаърига ботмоқда. Россия телевидениеси орқали намойиш этилган сайловолди дебатларида бу ҳаракатнинг табиати ўзгармаганлиги, маккорлик маккорликча қолганлиги, «камбағалпарварлик» усули табассумлар билан коммиссарча кителлар устидан Италияча тикилган фасон либослар кийганлиги, яна содда фақир одамлар қўйнини етмиш йиллик уринишларда ҳам рўёбга чиқмаган, амалий исботини топмаган қуруқ ваъдабозликлар билан тўлдиришга уринилганлигини бутун дунё ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитиб турди. Етмиш йил қон ва тер тўкиб мисли кўрилмаган ёлғонлар, золимликлар эвазига амалга оширила билинмаган «собесчилик» энди, йигирманчи аср охирлаётганда, одамларни алдаш ниҳоятда қийин бўлиб қолганда, тўғрироғи, мумкин бўлмай қолганда, — энди рўёбга чиқармиди?

Россияда Кремл учун «жанг-лар» — сайлов жанглари якунга кирди. Бу жанглар Россияда фикр озодлик ва демократия томонга жиддий тарзда ўзгарганлигини кўрсатди. Россияда Президент сайлови том маънода эркин ҳаёт ва демократия учун жанг тарзида ўтди. Халқ эндиликда ўз тақдирини ҳал қилиш ва белгилашда хомуш бўлиб ўтиргиси келмади. Тўғрироғи, хомуш бўлиб ўтишни хоҳламади. Ҳаётнинг жиловларини қоп-қоп ваъдалар кўтариб юрганларга беришни истамади. Орқага қайтишни истамади. Россия халқи бу сайловга ўз тақдирини белгилайдиган ҳодиса деб қаради. Ва унда фаол иштирок этди. Сайлов Россиянинг учдан бир қисмидагина, «ҳатто ундан ҳам камроғида» ҳали ўз тақдирини белгилашда иккиланишлар борлигини кўрсатди. Лекин Россиянинг учдан икки — жуда катта ва асосий қисми сайловда озод Россия учун овоз бергани чикди. Халқ ўз вақти ва ўз тақдирининг эгаси бўлиб қолганлигини намойиш этди. Бу янги Россиянинг, Россия ислоҳотларининг натижасидир.

Биз, Россиянинг тарихан яқин-атрофида яхши қўшничилик билан яшаётган, Россияга яхшилик ва фаровонлик тилайдиган халқлар бундан албатта қувонамиз.

Чунки озодлик ва демократия йўлига кирган ва онгли тарзда шу йўлни танлаган, ундан қайтмайдиган мамлакат ва халқ ҳеч бир шубҳа йўқки, бошқа халқлар, мамлакатларда ҳам шундай озодлик ва демократияни қутлайди. Бошқа халқларга ҳам ўз тақдирининг ўзи эгаси бўлиб яшашни соғинади. Бошқа халқларнинг мустақиллик ва озодликка интилишларини яхши англайди ва бунга хайрихоҳ бўлади.

Ер юзидаги яшаш ва яратувчилик хассослигига Ўзбекистон ҳам шерик. Бутун вужуди, барча ҳужайралари билан шу яратувчилик хассослиги ичида!

Ўзбекистон Президенти кейинги ҳафта мобайнида мамлакатнинг ички ҳаёти билан яқиндан танишмоқда. Одамлар билан тез-тез учрашмоқда. Оддий одамлар, меҳнаткашлар турмуши ва интилишларининг мазмун-моҳиятига тубдан назар ташламоқда. Оддий кишиларнинг сухбатини тингламоқда.

Ким бу ҳаётни осон деса, унинг имтиҳонларидан кўз юмса, қаттиқ янглишади. Ҳаёт ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Барча яхшиликлар, олижаноб, ўзгармас қимматга эга нарсалар қийинчиликлар ичида бино бўлади. Лекин ўтган замонларнинг қийинчиликларидан ҳозирги давр қийинчиликларининг бир улуғ фарқи бор. Энди ҳаётимиз мустақил, озод асосга эга. Қандай иш қилсак, нима яратсак, ўзимизга юқади, танимизга сингади. Энди бу меҳнат ортидан равнақ ва фаровонлик келади. Қарамликни ободлик деб юрганлар янглишмасин. Асл ободлик мустақилликдир. Мустақилликдадир барча хассосликларининг манбаи.

МУҲАРРИР



ОСМОН ГУМБАЗИГА ҚИЁС ҚИЛИБ

«Ривоятлар — ҳақиқатнинг синиқларидир», деб бежизга айтилмаган. Маҳобатли Оқсаройнинг аниқ ўлчамлари ҳақида тарихчилар ва меъморлар кўп ёзишган. Аммо унинг юксаклигини тасаввур қилиш учун бир нақлни эслаш кифоя. Саройни бир пайтлар тонг маҳалларида Бухородан ҳам кўриш мумкин экан...

Оқсарой... Унинг қаршисида туриб киши адоқсиз ўйларга толади. Бундаги ҳар бир ғишт олтиндан қиммат биз учун, чунки уларда боболаримизнинг қўл излари бор.

Оқсарой Соҳибқирон тасаввуридаги Туроннинг энг олий биноларидан бўлиши керак эди. Дарҳақиқат, маҳоратда беназир усталар томонидан бу сарой оламда ягона қилиб қурилди. Бироқ, уни тугал гўзалликда кўриш, бу қаср қўйнида ором олиш ёки машварат ўтказиш Соҳибқиронга насиб этмади. Испания элчиси Рюи Хонсалес де Клавихо 1404 йилнинг 24 августида Оқсаройни кўздан кечирганида у ҳали қуриб битказилмаган эди. Олти ойдан сўнг эса, 1405 йилнинг 18 февралида буюк Амир Темурнинг руҳи дорул бақоға риҳлат қилди. Бобомиз Хитой сафаридан қайтгач Оқсарой кошонаси пойида беқиёс улуғ тантана ўтказиш, дунёни шу ерда жам этиш ниятида эди. Ўшанда қўхна Кеш замини Конигил даштидаги тўйдан ҳам каттароқ шодиёнанинг гувоҳи бўлиши шубҳасиз эди.

Бутун дунёга машҳур Оқсарой ҳозир худди Париждаги Эйфел минораси каби, Шаҳрисабзнинг рамзига айланган. Бир кун келиб, Оқсарой ҳам қайта қад ростлашига ишонгимиз келади. Куни кеча Президентимизнинг Оқсаройга борганидан сўнг ишончимиз янада мустаҳкам бўлди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

ТУРКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ ҲАРАКАТЛАРИ ВА ЧОР ОХРАНКАСИ

Ўзбекистон Марказий Архиви, матбуотимизнинг айрим сарғайган саҳифаларини қузатганимизда баъзан ўтмиш чор Россияси ва собиқ совет империясининг миллий ўлкаларига, жумладан, Туркистонга нисбатан тутган мустамлакачилик сиёсатига оид ҳужжатларга дуч келамиз. Ёқани ушлаб, наҳотки, шунчалик бўлса, деб ҳайрон ҳам қоламиз. Мазкур ҳужжатларни ўрганганимизда Туркистондаги миллий уйғониш ва истиқлол учун кураш илғор татар, рус, озарбойжон, турк маърифат, маданият-матбуот арбоблари билан бўлган ҳар қандай алоқа ва яқинлашишлар, ҳамкорликлар, доимий равишда Чор охранкасининг қузатиш ва таъқиби остида кечганлигига гувоҳ бўламиз. Бу тасодифий эмас, албатта. Бу маккор миссионерлик сиёсати ўтган асрнинг ўрталаридаёқ унинг назариётчилар томонидан ишлаб чиқилган эди. Рус миссионерларининг фикрича, Россия империяси доирасидаги рус бўлмаган бошқа халқларни руслаштириш учун уларга дунёвий ишлар бермаслик, уларни жаҳолат ва қолоқликда сақлаш, ҳатто бу йўлда уларнинг хурофотга ботган қисмини маърифатли, тараққийпарвар қисмига қарши қўйишда фойдаланиш зарур экан. (Яҳя Абдулин. «Джаддизм, его социальная природа и эволюция», Казань, 1979, стр. 101; «История народов узбекистана», том П, Т., 1947, стр. 264*265). Ва айниқса уларнинг ақли ходимлари устидан доимий назорат ўрнатиш зарур эмиш. Бу назариянинг асосчиларидан ўта монархист Н. И. Илминский ўтган асрнинг охирларида ўз маслақдоши миссионер Победоноссевга ёзган хатларидан бирида бу ҳақда тўхтаб, шундай маслаҳат беради: «Олимлардан ва ўта билимли ўқитувчилардан эҳтиёт бўлинглар. Ўта одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамларга қараганда уларни жуда қаттиқ қузатув остига олинглар» («Татаристон АССР тарихи», 1 том. Қозон, 1959, 387 бет).

Бунинг учун чоризмнинг Туркистондаги махфий идора хизматчилари қуйиб-пишиб айқоқчилик ишлари олиб борганлар. Туркистон жадидларининг Россия, Қрим, Туркия, Кавказ ортидаги зиёлилар билан биргаликда ҳурриятга, эркинликка, маърифатга интилишларини билиб туриш, улар ўртасидаги турли гуруҳларнинг тўқнашувларини уюштириш, янги миллий мактаб, маърифат ва тараққиётга ғов солиб, христианлик руҳида тарбиялайдиган «рус-тузем» мактабларига тортиш ёки эски диний фанатизм мактаблари таъсирида қолдириб, ўлкани қолоқликда сақлашга жон-жаҳдлари билан қурашганларини кўрамиз. Бунинг учун улар ХХ асрнинг бошлариданоқ Бухоро ва Хива хонликларидаги амалдорлар, Туркия ва Эрон билан муносабатда бўлган ўзбек ва туркманлар, татар ва озарбойжон адабиёт ва матбуоти намоёндалари зиёлилар ва уларнинг янги усул мактаблари, театр труппалари ходимлари орқасидан махсус жосуслар қўйганлар. Жойларда қайси татар муаллими қандай мактаб очганлиги, қандай ўзбек ёки қозоқ бойи ёки зиёли билан алоқа қилиб турганлиги, ерли халқнинг уларга муносабати, янги усул мактабларининг рус мактаблари ҳам эски диний мусулмон мактабларига нисбатан муваффақияти ва бунинг Россиянинг Туркистондаги сиёсатига нисбатан оқибати, турк ва татар матбуоти ва адабиётлари таъсирларини кучсизлантириш чоралари ҳақида кўплаб маълумот ва йўл-йўриқлар бериб борилган. Бунинг учун улар Туркистоннинг мутаассиб намояндаларидан ҳам фойдаланганлар. Жадидларнинг янги мактаб ва матбуотларини ёпганлар. Татар, озарбойжон муаллимларига ўзбек, қозоқ болаларини ўқитишни ман қилганлар.

Мана шундай тайёргарлик, Туркистонни ҳар томонлама ўрганиш орқасида кейинчалик мустамлакачилик сиёсати янада хуружга кирди, ватанпарварлар ҳибсга олиниб, жисман йўқотилдилар. Шундай қилиб, Туркистонда аввал чоризм сўнг болшевистик мустамлакачилик сиёсати ўлкадаги миллий уйғониш ва истиқлол фидоийларининг асосий намоёндаларини тамомила тугатиб, истиқболимизга фожиали таъсир этди.

Мазкур ҳужжатларни ўрганиш фақат ўтмиш чоризм махфий идораларининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини фош қилиш нуқтаи назаридангина эмас, балки у даврлардаги матбуот ва адабиёт, ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли халқлар маърифат ва маданият арбобларининг ўзаро ҳамкорликлари тарихини ўрганиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Биз бу ҳужжатлар орқали яқин ўтмишга ўзга кўз, ўзга нуқтаи назари қандай бўлгани, қандай баҳолангани, нималарга алоҳида эътибор берганини англаб оламиз.

Бугун биз шуларни ҳисобга олиб, ўтмиш чор охранкасининг Туркистонда олиб борган айғоқчилик ишларига оид айрим махфий ҳужжатларни газетхонлар эътиборига ҳавола этаётирмиз. Тарих ҳақиқатини халқлар ёдидан ўчириб бўлмайди. Истибдод унутилмайди. Ҳамза топиб айтганидек, «Қафасдан бўшалган ҳар қуш, қайтиб ўзини солурму?!»

Шерали ТУРДИЕВ

2 БЕТ

ҚЎНҒИРОҚ НИМАГА ЧОРЛАЙДИ?

Сўнгги қўнғироқ...

Бир зум мени ҳаяжон босди. Ўн бир йил бағрида камол топтирган қадрдон мактаб билан хайрлашиш вақти етиб келибди.

Эсимда, мактабга дастлаб келганимда худди бегона жойда юргандай сиқилардим. Бироқ бу узоққа чўзилмади. Атрофимдагилар ўз тенгқурларим эканлигини тез англадим ва улар билан ўртоқ бўлиб кетдим.

Сўнг муаллима опамизнинг билимга даъватлари, турли шеър ва қўшиқлар, ўйинлар ўрганишимиз... Ҳозир уларнинг ҳаммаси эсимда. Ҳаммасини кўнгил недандир тўлиниб эслайман.

Ҳар бир вақтнинг ўз саҳифаси бўлар экан. Мактабда ўтган умрим менга шунақа кўп нарсани ўргатдики, энди мен ўрганиш лаззатини англаб қолдим. Яна, жуда кўп нарсаларни ўрганишга қизиқиб қолдим. Мактаб даври менинг ҳаётдаги энг беғубор дамларим бўлди. Болаликнинг нурафшон кўчаларида, бетакрор боғларида, сўлим баҳорларида ўйнатиб, ўсмирликнинг ярим ўйчан, ярим шўх, ёруғ умидли бекатигача, ундан улғайиш орзусининг катта кўчасига кузатди.

Энди мен худди эртаклардаги балоғатга етгач ўз бахтини излаб олис юртларга сафарга чиқаётган баҳодирлардай сезаяпман ўзимни. Бахт дегани орзу-умидларнинг ушалиши эмасми?

Биламан, ҳаёт ҳамиша эртакдагидек кечавермайди. Унинг-да ўз шартлари, қувонч билан бир қаторда изтироблари, қулайлиги билан бирга машақатли онлари мавжуд. Мен буларнинг ҳеч бирини эсдан чиқармаган ҳолда, иншоаллоҳ, ўз мақсадим сари бормоқчиман.

Синфдошларим ҳам мен каби ёруғ умидлардан сархуш, кўзларида ишонч нури порлайди. Синфдош қизлар, болалар, бир бирларига, устозларига ўзларининг эсдалик совғаларини топширишди. Бугун қалинган сўнгги қўнғироқ барчамизни дилимизга бир томондан қадрдон даргоҳ билан хайрлашиш оғирлигини солган бўлса, бир томондан мустақил ҳаётга йўл очиб, юракларимизни келажак ҳақидаги ёрқин умидлар билан тўлқинлантирмоқда.

Мен ҳамма тенгдошларимга бу йўлда омад ёр бўлишини яратгандан тилаб қоламан. Устоз Ғафур Ғулом айтганидек, бизни ватан кутади, биз унинг хизмати учун доим тайёрмиз!

Шуларни дейман-у, сўзларим тугамасдан туриб дилимдаги оҳанглар сизиб чиқади:

Ёрқин хаёллларда
сархуш дўстим, кел
Хайрлашиш они етибди,
мана.
Энди мақсад учун кураш
муттасил,
Энди хотирада қолар
бу сана.
Юртнинг осмонида
гўзал тонг отган,
Шу тонг шарафига
туғилдик бизлар.
Мағрур жўраларим,
сизни унутмам,
Сизни унутмайман,
синфдош қизлар.
Энди олисларга олиб
кетар йўл,
Кўнгилда умидлар
қўшиқ бошлади.
Қадрдон мактабим,
энди омон бўл,
Хайр энди менинг
синфдошларим!

Анвар ҚЎЗИЕВ,
Хатирчи туманидаги
40-мактаб битирувчиси

ЖИНДАК ТУРСАЙДИК...

Кетсанг,
ғамгин табассум-ла хайрлашсак биз,
Эртанги дийдорга энтикса юрак.
Ул яқин манзилинг бўлмаса олис
Ва сен шошилмасанг, турсайдик жиндак.

Кетсанг,
оёқларинг қўйиб юбормасайди,
Висолингга ташна нигоҳ, остона.
Ўз йўлингга шартта кетаётган пайтинг
Ненидир унутиб қайтсайдинг яна.

Кетсанг,
Кўзлар ёлворса-да барибир кетсанг,
Кафтларим куйдирса қўлларинг тафти.
Сўнг эса ўзимни бахтиёр сезсам —
Ногоҳ кўриб қолиб столим устида
Унутиб қолдирган бир жуфт қўлқопинг,
Дўстим...

Кетсанг,
эртанги дийдорга энтикса юрак...

* * *

Осмон қаро, юлдузсиз кеча,
Уйқу инган балки кўзингга.
Кундуз сенга чоғландим неча
Аммо журъат топмай ўзимга
Энди сенсиз ўртанган чоқда,
Мен кўйлайман кўзларинг ҳақда.
Шеърларимнинг барчаси маҳзун,
Лекин сенга ўқийман кулиб.
Кўзларингда бир маъсум очун
Нигоҳларинг қололмам тутиб.
Киприкларинг ўқ қилиб отсанг,
Мен юракни қафасдан олсам.

Сенинг шодон кулдиргичларинг,
Ниқоблайди кўзинг қайғусин.
Қизиб кетар менинг ичларим,
Сен шунчалар нозик ва маъсум!
Сен дард узра ҳокимсан мағрур,
Сир бой бермас сендаги зоҳир.

Қадрдонлар шунчаки сўзи,
Ва ёлғони текканда жонга.
Мени чорлар, чорлайди кўзинг
Талпинади қалб сен томонга.
Поктийнат соф сўзлигим менинг
Излаб топган ўзлигим менинг!

Дилдора АБДУЛЛАЕВА

ПОСЁЛКАМИ, КЕНТ?

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлига киргач, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа терминларини тартибга солишни муҳим вазифа деб билди ва бу борада анчагина ишлар қилинди — терминлар унификатсия этилмоқда, истеъмолдан чиққан айрим атамалар ўрнига давр синовидан ўтган халқона терминлар қабул қилиняпти.

Шу билан бирга бизнинг назаримизда маъмурий-ҳудудий тузулишга оид айрим терминларни ишлатишда баъзи ноаниқликлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Зарафшон водийсида, қадимдан **даҳа** деган термин бўлган. Тошкентда ҳам **даҳа** сўзи «**бир тўп қишлоқ**» маъносини англатган. Шу билан бирга ана шундай кичик маъмурий бирлик **аминлик** деб аталган. Бундан ташқари, **қишлоқот, маҳаллот, тўп қишлоқ, қишлоқистон** деган сўзлар бор. Шаҳарнинг марказий қисми **шаҳристон** дейилган. Шунингдек, бир-бирига қўшилиб, бир бутунга айланган улкан шаҳар ҳам **шаҳристон** дейилган. Бир неча қишлоқдан иборат маъмурий ҳудудни қишлоқистон деб юритиш ҳам мумкин. Ёки **даҳа, аминлик, тўп қишлоқ...**

Баъзилар бунга қарши жуда архаиклашиб кетмаяпмизми, деб эътироз билдиришади. Бунда: «архаиклашиб» кетмаслик ҳақида қайғуришимиз керакми ёки тарихий анъанавийлик ҳамда қўллаш учун қулайлик ҳақида ғамхўрлик қилишимиз керакми? — деган саволга аниқ-равшан жавоб беришимизга тўғри келади. Тарихий термин истеъмолга — халқ ишлатишига ўнғай бўлса, ҳамма бирдай тушунса, у ҳолда уни қўллашда шубҳаларга ботиб ўтирмаслик керак.

Мана, мисол учун **посёлка** сўзи кўп қўлланилади. Баъзан ўрнига **шаҳарча** сўзини ишлатяпмиз. **Посёлка шаҳарча** эмас, ҳар қандай кичик шаҳар бўлиши мумкин, **посёлка**нинг эса ўз мақоми бор, ўзбекча оти ҳам бор. Маҳмуд Қошғарий «Девон»идан тортиб ҳамма луғатларимизда **кент** сўзи мана ман деб турибди. **Кент** шаҳардан кўра кичик, қишлоқдан кўра каттароқ аҳоли манзили. 30-йилларгача **посёлка** сўзи ўрнида **кент** сўзи ишлатилиб келган. Яна **қасаба** деган ўриндош сўзимиз ҳам бор.

С.ҚОРАЕВ

МАМЛАКАТ ХИЗМАТИДА

Ҳар сафар «Миллий тикланиш» газетасини қўлга олганимда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги жадид Шарафиддин Хўжаевнинг ўзига йўл излаётган Мирёқубга айтган гаплари ёдимга келади. Аслида бу фикр Чўлпоннинг, унинг маслақдошлари — Туркистон тараққийпарварларининг программ ғояси эди. У айтадики, биз сотсиалистлардан фарқли ўлароқ миллатимизни сен бой, сен камбағал деб бир-биридан ажратиб ташламаймиз. Улар орасига ўзаро адоват, кин ва душманлик уруғини сочмаймиз. Аксинча, биз миллатнинг имкон қадар кўпроқ қисми бой бўлишини, бадавлатлари қўли қисқа биродарларига кўмак беришини, миллат вакилларининг ягона мақсад — Туркистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида ўзаро ҳамкор бўлишини тарғиб этамиз...

Жадидлар бу мақсадларга эришмоқнинг энг тўғри йўлини — миллатни маърифийлаштириш, унинг онгида, фикр тарзида инқилоб ясаш усулини танлаган эдилар. Афсуски, манфур болшевистик тузум бу ниятларнинг амалга ошмоғига тўғаноқ бўлди.

Назаримда, жадидлар ХХ аср бошланишида олға сурган бу ғоялар асрнинг сўнгида ҳам ўз амалини кутиб турибди. Бу улуғ вазифани — миллатни тиклаш, унинг онгу шуурига маърифат зиёсини олиб кириш, шу орқали дунёнинг илғор халқлари қаторига қайта қўшилиш миссиясини жуда яхши англаган «Миллий тикланиш» газетаси ҳар бир сонида ўз номига ярашиқли мақолалар бераётгани кишини қувонтиради.

Газетанинг дастлабки сониданоқ билиндики, у ўқувчини енгил-елпи йўлларига, арзон шон-шуҳрат, ялтироқ қадриятлар томон чорламайди, аксинча, уни ўйлашга, фикр юритишга, ўзининг кимлигини излашга даъват этади, ғурур ва шарафини танишга чақиради.

Газета бош муҳаррирининг узоқ йиллик иш тажрибаси, асосийси эса ўзининг ҳам ҳар бир сонияда ўзликни излаш юмуши билан банд экани газетанинг мана шундай ўқишлилигини таъминлаяпти. Мен Улуғ Тикланиш йўлида бир йиллик хизматни қойиллатиб қўйган газета таҳририятига чин дилдан «ҳорманглар!» дейман.

Раҳмон ҚЎЧҚОР

ЯШИРИН ҲУЖЖАТЛАР

Ўзганинг нигоҳи

МАХФИЙ ХАТ (ФАРҒОНА ҲАРБИЙ ГУБЕРНАТОРИ ҲУЗУРИДАГИ МУТАРЖИМ)

«Сиз жанобнинг амрлари бўйича Бухоро ва Хива аҳволи билан танишмоқ учун илгари Бухороға, ундан сўнг Хивага бордим.

Мен қайси йўллар билан борганлигимни ҳам шу маълумотларни йиққан чоқда қандай оғирликлар кечирганлигимни сўзлаб ўлтирмайман. Ёлғиз шунигина айтаман: икки ойлик шу саёҳатимда ишнинг яхши чиқиши учун ўзимни ерлик халқдан, Андижондан келган савдо вакили кўрсатиб юрдим ва иш орасида Бухоро ва Хивадаги мадрасаларни ҳам авлиёлар мозорларини зиёрат қилишға тилагим борлиғини сўзладим. Бухорода қуйидаги жойларни зиёрат қилдим: Эски Бухоро, Янги Бухоро (Когон), Баҳоуддин мозори, Кармана, Олчин, Султонобод, Эски Чоржўй, Шоҳимардон ҳам Карши.

Мен ўзимга керакли бўлғон маълумотларни ёлғиз Бухоронинг ўзи учунгина эмас, балки бутун Ўрта Осиё руҳонийлари учун илм ва урфон ва тарбия манбаи бўлган мадрасалардан тўплашға тиришдим. Бу мадрасаларнинг Ўрта Осиё мусулмонлари учун ғоят катта аҳамияти бордир. Бу мадрасаларда таҳсилда бўлғон муллаларнинг фикрлари ва уларнинг халқ билан бўлған муносабатлари ила танишқанда таажжуб қилмай мумкин эмасдурки, улар истиқболнинг халқ етакчилари бўлғонлари ҳолда, қора халқ билан қилғон муомилаларида ўзларини аллаким (жуда юқори) ҳис қиладирлар. Гарчи ислом уламосининг халқ билан муносабати Русияда ҳам шундоқдир, лекин Бухорода бу ҳол яна ҳам кучлидир.

Уламо ҳозир бўлғон мажлисларда баҳс фақат шариат ва диндан саволдир ва улар ўзларининг сўзлари орасиға кўпроқ арабча аралаштиришға тиришадирлар. Бундай мажлисларда бўлғон авом ўзининг сўзига риё аралаштириб, муллаларни улуғлаб, уларнинг ҳар бир сўзларини тўғриға чиқориб «тақсир-тақсир» билан ўлтурадир. Аммо муллалар мадрасаларда фақат дин ишлари билангина шуғулланалар деб ўйлаш бироз хато; улар кейинги вақтларда Эрон ҳам Туркияда бўлғон воқеалар билан ҳам таништирдурлар. Лекин уларнинг Туркия ва Эрон воқеалари билан бўлғон танишиқлари инқилобий йўл ва ёхуд китоблар воситаси билан бўлмай, Афғонистондан, Туркиядан Бухороға келган савдогарлардан эштитубгинадур. Ҳар ҳолда Эрон ва Туркиядаги инқилоблар Бухоро муллалари ва мударрисларининг фикрларини ўзгартди, деб айтиб бўлмайдир. Улар ҳамон бурунғича эски фикрда қолмишлар, бу ҳолнинг сабаби эса очиқ: Бухоро мадрасалари ҳисобсиз вақф ерлари билан таъмин қилинғонлар, мулла ва мударрислар ҳеч бир иш — куч сарф қилмай вақфлар ҳисобига яшаб келадирлар.

Туркия ва Эронда бўлғон сиёсий инқилоблар у ердаги мадрасалардан вақфларни ажратилиб, вақфлар билан кун кўратурғон уламо синфи ўз кучи билан кун кўришга мажбур бўлғондан сўнғгина бўлғондирки, бу ҳол бошқалар елкасида ризқланатурған муллаларға албатта оғир ва шунинг учун Бухоро уламоси Эрон ва Туркияда бўлғон инқилобни Алло ва Қуръоннинг амрига хилоф деб мазкур инқилоблар тўғрисида авомға ҳеч бир маълумот бермайдирлар. Бухоро муллолари билан Туркия ва Эронда бўлғон инқилоблар тўғрисидан сўз очилса, илгари: «шунақами? Йўқ, бўлмас!» дейдирлар. Бироз сўзлашгандан кейин маълум бўладурки, улар бу тўғриларида жуда яхши маълумот соҳибидурлар, лекин, халқ ўртасида мунингдек динга хилоф ҳаракатлар тўғрисида сўзлаш уларча яхши эмасдир. Бу ердаги уламоларнинг ягона мақсад ва ғоялари исломни бутун дунёга ёйишдир.

...Муллалар Туркия инқилобини-да бошқа чоббрангда таъбир қиладирлар. Гўё бу инқилобни Туркиянинг катта ва олий ақл эгаси бўлғон Султон Абдулҳамидхон фақат қарзлардан қутулмоқлиқ йўлидағина ишлагандир. Мажлиси маъбусон йиғилғандан сўнг гўёки мажлиси маъбусон пулдорларга: «Биз сиздан қарз олғон эмасмиз, пулни Султонга берибсиз, ҳақни ҳам ўшандан талаб қилинг!» — демакчидир, ҳам шундоқ қилуб Туркия ўзининг қарзларидан қутулиб қолар...

Бухоро уламолар назарида энг улуғ ва шарафлик шаҳардир. Унинг улуғлиги ҳам ундаги мадрасалар билан ўлчанадур. Шундоқки, бутун Бухоро ўлкасида 450 чоғлиқ мадраса бўлиб, буларнинг 400 таси Эски Бухорода, 2 таси Карманада, 2 таси Эски Чоржўйда, 4 таси Қаршида, ундан қолғанлари бошқа шаҳарлардадир. Эски Бухорода энг машҳур мадрасалар: «Кўкалдош», «Девонбеги» ҳам «Мирараб»лардир.

Уламо, мударрислар ва ўзга кишилар билан мусоҳобаларим вақтида улар қўлида ҳеч бир инқилобий китоблар учрата олмадим. Бунинг сабаби эса уларнинг фикрича, инқилобий китоблар турк ёхуд татар тилларида нашр қилинадур. Бу тилларда ёзилғон китоблар Бухороға англанмас экан.

Уламолар амирни унча дўст тутмайдурлар, дуруст, руҳонийларнинг амирни тергашга кучлари етмайдир, амирни ҳайдаш деган фикр ҳам уларда йўқдир. Уларнинг амирдан хафа бўлишларининг сабаби ҳам рус табааларига[1] Эски Бухорода ҳам, Чоржўйда ҳам майхона ва фахшхона очишға рухсат беришидир. Фахшхона ва майхоналар динни ва халқ ахлоқини бузадир, дейдирлар. Масалан, Эски Бухорода Русия табааси бўлғон бир грузин ошхона очиб, амир бунга ҳафтасига бир челак хамир, 2 челак пива сотишга рухсат берган. Лекин, муллаларнинг айтишича, ичкулик ичгувчилар жуда кўп бўлғанликдан, грузин рухсат қилинғон миқдордан ортуқ ичкулик сотар экан. Ўзим ҳам ерлик халқнинг райиятларидан яшурунуб пастқам уйларда ичкулик ичуб юрганларини жуда кўп мартаба учратдим. Уламолар амирнинг Русияга бориб келишини ҳам мувофиқ кўрмайдурлар. Улар бу иш билан амирнинг Руссия таъсириға тушмоғидан қўрқуб, «амир, Русияга бориш ўрнига, Истанбул ва ёки Маккадек ислом юртларига бориб саёҳат қилса яхши бўлар эди» — дейдирлар.

Уламо синфи Туркистоннинг бирор мусулмон ҳукумати идорасига ўтишини тилайдирлар. Вақти келиб, Туркистон албатта Русия қўлидан чиқар деган умид уларда кўлидир. Мулло Миралифнинг сўзича, Туркистонни бутун Туркистон халқининг иттифоғи ўрус қўлидан қутқазиб, бутун дунё мусулмонлари бир аълам остиға тўпланғайлар.

Бухорода татарларнинг янги усул билан давом қилмоқда бўлғон мактаблари ҳам, жаъмияти хайриялари ҳам бор. Бухорода кўпроқ қуйидаги мусулмон газеталарини кўрдим: Бокудан «Иттифоқ», Оренбургдан «Вақт» ҳам Бокунинг ҳажвий журнали бўлғон «Мулло Насриддин». Бу газеталарнинг тили татарча бўлғонликдан уларни аксар татарлар ўқуйдурлар.

Эски Бухорода иккита китоб искалади бор. Бу искаладлар Бухоронинг барча китоб дўконларини таъмин қиладирлар. Бу китоб дўконларида инқилобий китоблар бормикин, деб ҳар қаериға кириб нодир-нодир китоблардан бўлғон, масалан, Эрон шоирларидан Шайх Саъдий ашъорларини сўраб юрдим. Бу баҳоналаримнинг ҳеч бирисида рус, татар, турк, эрон нашриётларидан бўлғон инқилобий китобни учрата олмадим. Умуман татарча китоблар сўраганимда, ўқиғувчиларнинг йўқлиғидан татарча китоблар олдурмоғонларини баён қилдилар. Бу кутубхоналарда бўлғон китобларнинг кўпи диний китоблар, ундан қолғонлари фанний ҳам халқ ҳикояларидан иборат бўлуб, Бухоро, Истанбул ҳам Бомбай нашриётларидир.

Бухоро бозорларида учрашатурғон қишлоқилардан дуруст маълумот ололмадим. Сабаби эса, улар биринчидан шаҳарга иш билангина келганликларидан сўзлашиб ўлтиришга вақтлари йўқдур. Иккинчидан, сиёсатдан гапиришга амирнинг ҳуфяларидан қўрқадурлар, чунки, амирнинг ҳуфялари ниҳоятда кўп бўлиб, сиёсий бир гап эштисалар, ушлаб дарров зиндонға соладирлар. Зиндонда эса ҳар турлик жазолар бўлмоғи билан бирга ўлум жазоси ҳам енгил ҳукмлардандир. Хусусан, кишиларнинг уйларида қилинадурғон мусоҳабаларидан яхши маълумот олиш қулайдур. Чунки, уй ичида ҳуфя хавфи йўқ, уй эгаси эркин, ҳар гапни сўзлай берадир.

Умуман олганда, Бухоро халқининг кўпроқ ризосизлигина мухиб бўлғон масала ер ҳам солиқ ишидур. Бухорода хусусий ерлар жуда оз бўлиб, кўпи вақф ҳам ҳукумат ерларидан иборатдир. Бундан бошқа амирнинг ўз мулки ҳисобланған ерлари ҳам ниҳоятсиздир. Солиқлар амир мулки бўлғон ерлардан олинмай, фақат ҳукумат ҳам вақф ерларидангина олинадур. Кейинги ерлар эса халққа ижараға берилиб, ижара ҳам солиқ учун унган эканнинг 2/1 ҳам 3/1 миқдори олинадир. Халқ бундан бошқа яна закот беришга ҳам мажбурдир. Буларнинг устига деҳқонларнинг ғалла сотқон чоғларида тўлайтурғон пошлиналарини ҳам эътиборга олсак, бутун оғирлиқ фақат деҳқон устига тушганлигини кўрамиз. Шу ҳоллар Бухоро фуқароси ўртасида кўп ризосизликлар туғдирган, аксар халқ солиқларни тўлашга илож тополмай ерини ташлаб қочадир ва бошқа бир ҳукумат табаалигига кирадир. Масалан, Девон деган ернинг халқи бутунлай деярлик Хева хонлиғиға қочуб кетган.

Мундан бошқа яна халқ, айниқса, хотун-қизлар устида яна бир оғир вазифа бордирки, Бухоро ўлкасидаги хотунлар амирга кўҳлик, — чиройлик қизлар топуб беришга мажбурдирлар. Бу қизлар амирнинг саройиға келтурулгондан сўнг амир билан хилват навбатини кутуб бир неча йиллар ўтлурадурлар. Амир бу қизлар билан хилват қилғондан сўнг ҳусн даражаларига қараб сарой хизматчиларига хотунлиққа берадур. Бу қизларни йиғуб юратурғон махсус хотунлар бор. Улар қўлларига тушган қизларни пул баробаригагина озод қиладурлар ва қайсиларини ўзга юртларга олуб боруб сотадурлар. (Бу тўғридаги маълумотни қушбегининг собиқ котибларидан Мирзо Ҳикматулло берди).

Халқ устига бўлғон оғирликларнинг яна биттаси ҳукуматга хизмат қилиш мажбуриятидурки, бу хизмат аксар вақт бекларнинг хусусий хизматларини қилишдан иборат бўладур. Ҳукумат хизмати отида бўлғон вакиллар томонидан айни экин ишлари чиққон кезларда амалга қўйиладур. Деҳқонлар бу вақтларда саргардон бўлиб, ноилож ҳар турлик ришватлар билангина қутила оладирлар.

Бухорода бекларнинг нуфузи жуда каттадир. Улар ўз даҳаларида бўлғон халққа қандай бўлса-бўлсун, жазо беришга қодирдирлар. Масалан, Чоржўйдаги бек тилаган кишини ўлум жазосига ҳам ҳукм қила оладур. Халқ бундай беклар устидан шикоят қилуб амирга мурожаат қила олмайдур. Юқорида сўзланган Мирзо Ҳикматуллонинг сўзи бўйича амир халқ ишига бутунлай аралашмай яшайдир, йиллик келимни ва кетимни ҳам билмайдур. Унинг борлиқ машғулияти чиройлик ёш болалар билан ҳар турлик ўйинлар ижро қилиш ва фахш ичида умр кечиришдир.

Амирнинг ҳатто саккиз йилдан буён Эски Бухороға келмаганлигини сўзлайдурлар.

Бухорода мадрасалар кўп бўлса-да, халқ ортиқ нодон, сиёсий фикр деган гаплар ҳеч йўқ. Русия инқилоби ҳақида ҳеч нарса англамайдурлар. Маълумотлари бўлғонлари ҳам Русия инқилобини инқилоб деб билмайдурлар. Эрон ҳам Туркия инқилобларига яхши аҳамият бериб, ёш турклар, ҳам мажлис ҳам мабусоннинг қилғон ишларини жуда қўтарадурлар. Лекин бу мақташлар ҳам юқорида айтган янглиш тушунчадан нарига ўтмайдур. Нима бўлса ҳам, Бухорода ўзгариш эҳтимоли ҳали жуда узоқдир. Иноятулло, Шарафуддин ва бошқа бирмунча кишиларнинг сўзларига қараганда Бухорода ўзгариш ёхуд ҳозирги идорага ризосизлик ҳаракатларининг бўлмоғи эҳтимоли йўқдир.

Бухоро аскари кўнгиллилардан ҳам зиндонда ётиб чиқғон ҳар турлик жонлилардан иборатдир. Аскарликка олинган киши бутун умрига аскар бўлиб қоладур. Шунинг учун аскарликдан қочқувчилар жуда кўп. Қочган аскарлар учун уларнинг оилалари масъул бўлиб, оқча тўлаб ёки оиладан бир киши бериб қутуладилар. Бухоро ҳукумати аскарларидан ҳам ҳукумат хизмати отлиқ ишлардан жуда катта бойлик йиққан. Чунки, аскарликка кириш Бухоро халқи назарида хунук иш ҳисобланғанликдан ҳар ким пул тўлаб қутулишға тиришадир.

Бухоронинг бир томондан Русия тилагига хилоф тарбия олғон ислом уламолари етиштириб бутун Туркистонда мулла ва мударрислар бериб турганлигини, иккинчи жиҳатдан, унинг Эрон ва Афғонистон чегараларида бўлғонлиғини эътиборға олуб, бу ерга айрим диққат қилиш, Бухоронинг барча аҳволини текшириб тураттурғон доимий яшириш агент қўйиш керак деб биламан. (**«Инқилоб», Туркистон Маориф Комиссарлигининг адабий, сиёсий иқтисодий, илмий ва тарихий мажмуаси. 1924-нчи йил, май, N 11—12**).

Вазирларга келганда, улар баъзи бир жиҳатлардан валиахд Асфандиёр тўрага душман бўлсалар ҳам, Хива ҳам унинг хонлари Русия ҳимоясида бўлғонликларидан, Асфандиёр тўранинг отасини тахтининг ишғол қилишиға шак ва шубҳа келтирмайдурлар.

Мусоҳабаларда эшитилган сўзларға қарағанда, Хива хони Русияни унча ёқтирмай, бунинг тескарисича Хиванинг ичкариги ишларига қатнашғонлиғидан Русияга душманлик сақлар экан. Шундоқ бўлғонда ҳам Хива хони Русия билан дўстликда яшамоқ истар экан. Шарифбой Баққоловнинг сўзига қарағанда, хоннинг Русия ҳукумати билан дўстликда яшамоққа бўлғон тилаги Туркия ва Эронда бўлғон инқилоблардан кейин ўзининг тахтидан қўрққанлиғидан ва мундоқ вақтларда Русиядан кўмак умид қилғонлиғидан бўлиши тегиш.

Шундоқ равишда Асфандиёр тўра ҳам керак бўлғон вақтларда Русиядан кўмак ва ёрдам умид қиладир.

Асфандиёр тўра Туркия, Эрон инқилобларидан кейин, гўёки, Хива хонлиғидан идора ёғидан қайси бир янгиликлар майдониға қўйишға ўйлағон. Лекин мулла Рамазон исмли бир одамнинг таъсириға тушуб, ул ўйларидан воз кечган.

Хон, валиахд ҳам бошқа Хива хонлиғидаги таъсирли одамларнинг Русияға бўлғон муносабатлариға келганда, Баққолов қуйидагича дейдир:

Хон, валиахд ҳам бошқа одамларнинг ҳеч бирисининг Русияга ҳаводор бўлиши мумкин эмас. **ЧУНКИ, ХИВАНИНГ РУСИЯ ҚЎЛИҒА КИРГАН ВАҚТЛАРИДА КЎРГАН АЗОБ ВА ЖАФОЛАРИ ҲАЛИ БИТГАНИ ЙЎҚ ВА УНУТИЛГАНИ ЙЎҚ.**

Хон ҳам унинг вазирлари ҳеч бириси халқ учун унчалик қайғурмасдан яшайдурлар ва шунинг билан баробар ҳар бир инқилобни хоҳламайдирлар. Чунки, уларнинг ҳар қайсиси инқилоб бўлғон вақтда ўзларига ёмон бўлғусини биладурлар.

Шарифбой Баққолов айтадурки, Туркия билан Эронда инқилоб бўлўб, шоҳ ҳам султон азл қилинғондан кейин бу хабарни эшитиб, Баққолов ҳам Исмоил хўжалар: «бу ишларнинг барчаси яхши. Бизнинг Хивада бўлмағонлиғи учун айниқса яхши», демишлар.

Хон билан Асфандиёр тўра ўртасида бўлғон ихтилоф ҳақида мунда ҳеч бир гап йўқ.

Асфандиёр тўра ҳозирда ҳам аввалгича ўз вазифасида. Хонға саломликка келган одамларнинг барчаси илгари, Асфандиёр тўрани кўруб, ундан кейингина хонға ўталар. Асфандиёр тўра хоннинг канссиляр (Садри аъзам) хизматин адо қилмоқда.

Асфандиёр тўранинг қардошларидан бўлғон Саид Муҳаммад Юсуфжон Хўжаевнинг сўзига биноан, Хива хони ўзига валиахд қилиб илгари катта ўғлини тайин қилғон экан. Ул киши ўзининг кўл остида 400 кишилик отли аскар идора қилғон. Отасининг қайси бир ишларини ёқтирмағонлиғидан ул ўзининг қўлидаги аскари соясида отасини ўлдириб, тахтга ўзи ўлтирмоқчи бўлғон: бироқ бу ишни вақтида хонға эришдирғонлар. Хон катта ўғлидан валиахдлик мансабини олиб, ўзларига ишларидан тарид қилғон, унинг кенгашчиларини ўлдиртирган ҳам валиахд қилиб Асфандиёр тўрани тайин қилғон. Асфандиёр тўра яхши ишчи одам бўлишиға қарамасдан, халқ ичида унинг нуфузи оз, халқ хоннинг катта ўғлини яхши кўрадир.

Хоннинг бошқа болаларидек Асфандиёр тўра ҳам соф хонлар қонидан бўлмоғи билан баробар жуда қучсиз, касал ҳам фахшга мойил қиладурғон киши.

Бозорбой Асфаров ҳам Мамедовларнинг сўзига биноан, Асфандиёр тўра тўғрисида халқнинг фикри Муҳаммад Али Аббосов номли бир одамнинг «Иттифоқ» газетасида ёзган мақоласидан кейин яна ночорланғон. Ул мақолада эса жазоға мустаҳиқ бўлғон чиройли хотин воқеаси ёзилиб, Асфандиёр тўра бу хотинни бошида озод қилдирмоқ бўлғон, кейин бу хотинни қиз бўлмоғонлиғини билиб, ўзи ҳам жазо қилдириш томонини қучлаган.

Хон ўзи ҳозир қари бир одам бўлуб, умрини кўп вақтида қушлар ҳам гуллар билан ўйнаб ўткарадир. Хон боғчасининг ўғли Даминов ҳам Шарифбой Баққоловларнинг сўзларига қараганда, бу йилда хон юқорида мазкур қушлар ҳам ҳар хил гуллар учун 40 минг сўм сарф қилғон. Керак бўлғонда, бу гулларни бошқа шаҳарлардан телеграф билан ҳам сўраб олар экан.

Бухоро каби Хивада ҳам татарлар жуда кўп. Улар Ўрганчда иккита янги усул билан давом қиладурғон мактаблар очғонлар: биттаси эркак, биттаси қиз болалар учун. Биринчисида муаллим татар Хусаинов бўлиб, иккинчисида муаллима унинг хотинидир. Татарлар Хива хонлиғидаги маҳаллий халқни газетлар билан жуда яхши таништирғонлар. Бухородагидек эмас, Хива халқининг тили татарларга жуда яқин бўлғонлиғидан, татар газетларини мунда мулла савдогар ва бошқа халқларнинг барчаси ўқийдурлар.

Бу газетлар ичида энг кўп тарқалганлари Оренбургда нашр қилинмоқда бўлғон «Вақт» газети. Булардан бошқа халқ яна Русияда нашр қилинадирғон татар газетларидан «Иттифоқ», «Юлдуз», «Тараққий»ни, журналлардан «Дин ва маишат»ни ва Истанбул газетларидан «Ваҳдат»ни ўқийдир.

Газет ҳам янги мактаблардан бошқа татарларнинг яна бир иши бўлса, ул ҳам Хива халқиға янги китоблар тарқатишларидир. Лекин, татарларнинг бу ишларида тўғри бир йўллари бордирки, улар фақат илмий ва фанний китобларғина тарқатиб, инқилобий китоблар келтирмайдилар.

Шундоқ бўлғонда ҳам татарлар Хива халқини дунёда бўлиб турғон инқилоблар билан таништирадилар. Уларнинг таништиришлари маҳаллий халқ билан бўлғон мусоҳабатлари ҳам газетлари соясидадир. Уларнинг ушбу хизматлари соясида Хива халқи бироз уйқудан уйғониб, бошқа ҳикматлар ва бошқа тартиблар билан бироз танишқанлар ҳам бошқа янги тартиб кирган жойлардаги ахвол билан ўзларининг кун кўрушларини тенглаштиришга ўрганганлар. Шунинг натижаси ўлароғ кучсизгина бўлганда ҳам, Хива халқи «Кўмак», «Бегир» отли ҳукумат хизматларига норозиликлар баён қила бошлағонлар.

Бухорода бўлғонидек, Хивада ҳам ҳукумат хизматлари экин иши вақтида майдонға қўйиладир. Ҳар бир деҳқонға ул вақтда ўз экинини ишлаш керак бўлғонлигидан, ҳукумат хизматидан пул тўлаб қутуладирлар ва шундоқ қилиб Хивада ҳам ҳукумат Бухородагидай бу ишлардан махсус маблағ ташкил қиладир.

Халқ булардан бошқа яна ришватдан, ҳам ҳукуматнинг ҳукмда тўғрисизлиғидан норозилик баён қиладир.

Бозорбой Асғаров ҳам Баққоловларнинг сўзларига биноан, Хивада шариат бутанлай идора маъмурларининг қўлларига топширилғон. Қози Калон Хивада Бухородағидек таъсирга молик эмас. Шариат қонунлари идора ишларидаги кишиларга мувофиқ кўрилмаса шариат қонунлари бир томонда қоладирлар.

Халқнинг норозилиги яна солиқлар тўғрисидадир. Мулкда ҳар бир сув (10 таноб ер)га йилға 10 сўм 80 тийин солиқ олинадир.

Солиқларни ҳатто ғайри манқул-мулки ҳам ери бўлмаган кишилар ҳам тўлайдилар. Бунинг сабаби шундан келиб туғадирки, ер сотган одам ерининг баҳосини юксалтиш учун тегишли солиқни тўламакликни ўз устига оладир ҳам бу иш муалҳадига ёзиладир. Ерни сотган одам ўлгандан кейин ҳам унинг ворислари бу аҳдни буза олмасдан ерлари бўлмағонда ҳам солиқни тўлайдирлар. Бундоқ иш Хивада жуда тараққий қилғон. Шарифбой Баққолов ва бошқа бир мунча кишиларнинг сўзларига биноан, Хивада ҳар бир нарса пул баробарига сотиб олинар экан. Хиванинг савдогарлари ҳам солиқ кўплигидан норозилик баён қиладирлар. Хива хони ўзининг пулини кўпайтиш учун савдогар ва бошқа бой одамларга катта фоиз билан зўрлаб пул тарқатар экан. Бу ҳақда норозилик жуда кўп. Умуман олганда, Хивада савдогарлар ва оддий халқларнинг барчаси хондан норозидирлар.

Ўзимнинг сўзларимнинг охир ўлароқ, шуни ҳам айтаманки, Хиванинг тараққиётини Русия ҳукумати кузатмоғи тегиш. Ҳозирги кунда Хивада фойдали тамаввул ишлаб чиқариш учун имконият бор. Мунинг учун биз унда яхши асосга қўйиб, «русский-туземни» мактаблари очишимиз тегиш. Уларда янги усуллар билан бўлғон мактаблар очиб, Хива халқиға катта таъсир қиладирлар.

8-ноябр, 1909 йил, Искобелов шаҳари, Фарғона ҳарбий губернатори ҳузурида. Таржимон: Оти Буйлин.

(«Инқилоб» журнали, 1924 йил, 13-14-сонлари).

Нашрга тайёрловчи Шерали ТУРДИЕВ

Айрим сўзлар луғати:

1. ***Табаа — фуқаро***
2. ***Мусоҳабат — ҳамсуҳбатлик***
3. ***Имтиноъ — рад қилиш***
4. ***Азл — бўшаш, бекор қилиш***
5. ***Тарид — қувғин***
6. ***Мустаҳиқ — лойиқ***
7. ***Ришва — пора***
8. ***манқур — кўчирилган.***

ФАРҒОНА ҲАРБИЙ ГУБЕРНАТОРИ МАҲКАМАСИГА ЯШИРИН ХАТ

...Чоржўйдан биринчи сентябрда кетган парохўдға ўлтуруб Хива хонлиғиға кетдим ҳам тўртинчи сентябрда бориб кирдим. Хивада иш қилмоқлик Бухороға қарағанда оғирроқ бўлди: Хива халқи Бухоро халқидай сўзжон эмас ҳам Бухородағидай яхши юз билан қарши олмайдурлар. Хива халқи билан бўлғон мусоҳабаларимда уларнинг сўзларини ва жавобларини эшитмаклик учун жуда кўп вақт сарф қилишға тўғри келди.

Агарда энди улар бир оз шубҳаланса, ёхуд бутунлай сўздан имтиноъ қиладурлар, ёхуд сўзни бошқа мавзуга бошлайдурлар, шунинг учун жуда кўп заҳматлар кўрдим ва шунинг учун мен унда кўп турушға мажбур бўлдим. Саёҳатимнинг 33 куни Хивада ўтди. Хива хонлиғинда қуйидаги жойларда бўлдим: Хива, Ўрганч, Гурланд, Хўжа, Қўҳна Ўрганч ҳам Тошовус, қайтғон вақтимда Чоржўйда ҳам Пётр-Александровскийда бўлдум. Бухорода юрганимдек, Хивада ҳам мадрасалар кўруб юрдим. Хивада улар 200 қадарли ҳисобланадирлар.

Хива руҳонийларининг Русия ҳукуматиға бўлғон муносабатлариға тўхталмайман, чунки уларнинг муносабати ҳам Бухоро руҳонийларининг муносабатидай, Хива хони валиахди ва сарой аҳиллари тўғрисида билган умумий маълумотлар ҳам шулардан иборатдурким, саройда махсус сарой аҳли деганлар йўқ экан. Валиахди Асфандиёр тўрага катта таъсирлари бўлғон турли халққа келсак, улар хизмат аҳли эмаслар экан.

БЕВОСИТА ЎРГАНИШГА НИМА ЕТСИН!

Инглиз тили — жаҳон иқтисоди тили. Давр талаби боис миллатимиз орасида инглиз тилига қизиқувчилар ва бу тилни аллақачон пухта ўрганиб улгурганлар сони энди оз эмас. Дунё халқлари билан бевосита муносабатга киришаётган эканмиз, демак бу борада самарадорликка эришишимиз учун кўплаб чет тилларини яхши билишимиз шартдир. Хўш, чет тилларни, хусусан, инглиз тилини тез ва соз ўрганишимизга монелик қилаётган муаммолар борми? ТошДУ Халқаро журналистика бўлими инглиз тили кафедраси мудири Курбон Шодмонов билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Чет тилларни ўрганишнинг ўзига хос самарали усуллари ҳақида сўзлаб беролмайсизми? Хорижий тилларни ўзлаштиришда шахснинг индивидуал хусусиятларининг ўрни қандай деб ўйлайсиз?

— Гапни ўзимдан бошласам. Мен инглиз тилини ўрганишни бешинчи синфдан бошлаганман. Илгари барча чет тиллар бешинчи синфдан бошлаб ўқитиларди. Еттинчи синфдан инглиз тилини жиддий ўрганишга киришдим.

Чет тилини ўрганишнинг ўзига хос усуллари бениҳоя кўп. Илмий асосланган усуллари ҳам, ноилмийлари ҳам бор. Бу борада узоқ гапириш мумкин. Олим, мутахассис ва методист сифатида шуни алоҳида таъкидлайманки, чет тилини ўрганишнинг энг синалган қулай усули бу тоқат, меҳнат ва қизиқиш. Ҳар куни икки-уч соат босиб ўтириб дарс тайёрланг, янги сўзларни ёдланг. Қизиқиш ҳотирани ўйғотади, зеҳнни чархлайди. Тоқат — инсон зоти учун энг зарур сифат.

— Энди тилларни ўрганиш шундай миқёслар касб этмоқдаки, шунга яраша катта ва мукаммал луғатлар ва дарсликларга талаб кучайиб бораяпти. Ҳануз рус тили барча чет тилларини ўрганишимиз учун воситачи бўлиб келмоқда. Чет тилини рус тили орқали ўрганишнинг қатор ўзига хос жиҳатлари оқибатлари ҳам бор.

— Рост. Бу жуда катта бир муаммо. Дарҳақиқат, шу кунгача, гарчи чет тилларини ўқитиш ва ўрганиш билан машғул кўплаб илмий тадқиқот марказлари бўлса-да, минг афсуски, катта ҳажмли ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғатларимиз ҳали йўқ. Бундай луғатлар яратилмас экан, чет тилини ўрганиш жараёнини тезлаштириб бўлмайди. Илгари рус тили, русча китоблар орқали жаҳон илм-фани, адабиёти ва санъатидан бохабар бўлардик. Эндиликда жаҳонда илм-фан билан бевосита мулоқот эҳтиёжи кучайиб боради. Бунинг учун чет тилини биладиган кўп мутахассисларга эга бўлишимиз зарур. Дарсликлар масаласи ҳам бор. Ҳеч кимга сир эмас: чет тили бўйича энг яхши дарсликлар рус тилида ёзилган. Миллий тилда дарсликлар оз. Мен ўйлайманки — ишлар олиб борилянти — якин орада тилга олинган дарсликлар ва луғатлар нашр этилажак.

Биз шу кунларда жаҳонга юзланиб турибмиз. Миллат сифатида энг яхши ва кучли жиҳатларимизни намойиш этиш имкони туғилди. Иншоаллоҳ, намойиш этамиз ҳам. Шубҳасиз, шундай бўлажак. Бу йўлда дастлаб инглиз, немис, фаранг ва табиийки, форс ва араб тилларини пухта ўрганишимиз лозим.

— Шахснинг чет тилини ўрганиши, унинг воситасида тараққиётга интилиши ўз миллий замини — она тили, дини ва маданий, маънавий қадриятларидан узилиб қолиш, четда туриш ҳисобига бўлмаслиги керак. Шундай кишилар борки, улар бошқа тилларни мукаммал билиш баробарида ўзбек тили ва миллий маданиятимизнинг чуқур билимдонлари ҳам ҳисобланадилар. Шу боис уларнинг чет тилини яхши билишларидан миллатимиз катта фойда кўрди. Тил билишнинг маданиятга таъсири қандай?

— Нозик масалани қўзғадингиз. Сиз айтмоқчи улуғ шахслар ичида Абдурауф Фитратни ҳам эслаймиз. Фитратнинг ҳам хорижий тилларни билишидан миллатимиз катта фойда кўрган. Биласизми, инглиз тилини бинойидан биладиган шогирдларим кўп. Лекин баъзан ўз она тилларида саводли ёзишни билмайдилар. Мен бунинг сабабини ўйлаб кўрдим. Балки биз кўплаб чет тилларини рус тили воситасида ўрганаётганимиз учун ҳам беихтиёр ўз она тилимиздан узоқлаша бошлар эканмиз. Биз ўрганган тилдан келадиган фойданинг асосий қисмини восита тил ўзига олар экан. Ахир биз хорижий тилларни рус тилига қиёсан ўрганамиз-ку. Бу нозик жараёнда чет тилини ўрганаётган ўзбек беихтиёр ўз она тили ва миллий маданиятидан узилиб борганлигини ўзи ҳам сезмай қолади. Бу — қош қўяман деб кўз чиқариш билан тенг. Тилларни бевосита ўрганишга имкон ва шароитлар яратилиши лозим.

— Европа тилларини ўзбек ёшлари қандай ўзлаштирмоқдалар?

— Ўзбеклар ўтроқ халқ, диний эътиқоди кучли, умумжаҳон аҳамиятига молик қадим миллий маданияти бор. Бу халқ бир неча бор тарих саҳнасининг энг марказига чиқиб бориб, жаҳоншумул муаммоларни ҳал эта олган.

Ўзбеклар учун бирданига бир неча тилда сўзлаша олиш янгилик эмас. Бу халқ аҳамияти жиҳатидан инглиз тилидан қолишмайдиган форс ва араб тилларини яхши ўзлаштирган. Айтмоқчиманки, ўзбекларнинг чет тилларини ўрганиш тажрибаси бор. Бу тажриба Европа тилларини ўрганишда ҳам қўл келишига шубҳа йўқ. Тўғри, ҳозирги кунда луғат ва дасрликлар масаласида жиддий муаммолар бор, аммо ўзбек талабаларининг тил ўрганиш жараёнида бирор бир катта камчиликни сезмадим.

— Охирги савол. Сиз Америкага бориб, у ерда бир неча муддат яшаган экансиз. Америкалик талаба билан ўзбек талабасининг илмга муносабатини қиёслай оласизми?

— Энг етуқ мамлакатлардан бири бу, шубҳасиз, Америка! Мен бу «сеҳли диёр»га борганман, университет ва коллежларида лексиялар ўқиганман. Америкалик талаба илк талабалик кунлариданоқ ўз олдига реал бир мақсад қўйиб, шу мақсадга эришиш учун дарҳол қаттиқ ҳаракатни бошлаб юборади. Бизнинг ўзбек талабаларининг, назаримда баҳри анча кенг. Кўпчилик талабаларимиз вақт ўтиб, кеч бўлгандан кейингина яхши ўқиш кераклигини ўйлай бошлашади.

Америка ёшлари ўз мамлакатларини ҳайрон қоларли даражада яхши кўрадилар. Америкаликман деб бениҳоя ғурурланадилар. Умуман бизнинг ёшларимиз кўнглида ҳам миллий ғурур туйғусини тарбиялаш лозим. Бунга асос, ҳам, эҳтиёж ҳам бор.

Раҳматжон КЎЛДОШЕВ
суҳбатлашди

МАҒРИБУ МАШРИҚДА

Улуғ саркарда ва улкан давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш учун унинг ўз замондошлари томонидан ёзилган тарихий асарлар беқиёс аҳамиятга эгадир. Маълумки, Соҳибқирон ҳаёт эканидаёқ, унинг тарихига бағишлаб кўплаб асарлар яратилган бўлсада, улардан баъзи бирларигина, жумладан, ҳазратнинг ўз фармонига кўра ёзилган Ғиёсиддин Алининг «Ҳиндистон ғазовоти кундалиги», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» каби асарлари бизнинг давримизгача етиб келган. Амир Темур вафотидан кейин унинг тарихига бағишланган асарлар ёзилишига темурий ҳукмдор ва шаҳзодалар ҳомийлик қилишган. Бунинг натижасида бир қанча қимматли асарлар ёзилиб, уларнинг аксари тўлиқ ёки нотўлиқ ҳолида бизгача етиб келган.

Амир Темур замондошлари тарафидан ёзилган ва Соҳибқирон фаолиятини тўлиқ ва изчил тарзда акс эттиришга уринилган китоблардан бири етук муаррих Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муиний», яъни «Муиниийнинг танланган тарихлари» асаридир. Бу китоб Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (1425), Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворих» (1427), Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» (1436) каби айни мавзудаги асарларидан бир неча йил олдин, яъни ҳижрий 816 (мелодий 1413-14) йилда ёзиб тугатилган бўлиб, муаллиф уни Амир Темурнинг невараси, пойтахти Шероз бўлган Форс вилоятининг ўша пайтдаги ҳокими Мирзо Искандар ибн Мирзо Умаршайхга (1384-1415) бағишлаган. Асар умумий тарих шаклида ёзилган. Муаррих энг қадимги даврлардан то XIV аср иккинчи ярмигача Мағрибу Машриқдаги ўлкаларда ҳукмронлик қилган кўпдан кўп сулолалар тарихини қисқача баён қилгач, қитобининг сўнгги бобида жаҳон тарихининг узвий қисми, балки унинг гултожи сифатида Амир Темур давлати тарихини қаламга олади. Бу даврга оид воқеа-ҳодисалар Натанзийга яхши маълум бўлиб, кўпларини ўзи кўрган, шунингдек унда сарой солномаларидан фойдаланиб, тарихий воқеаларнинг ҳали ҳаёт бўлган иштирокчиларидан ўзига керакли маълумотлар ва тафсилотларни сўраб-суриштириб билиб олиш каби нодир имкониятлар бўлган.

«Мунтахаб ут-таворихи Муиний» асарининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда форс тилида кам қўлланиладиган туркий сўзларнинг кўп учрашидир. Тўғри, ўша даврда давлатчилик, ҳарбий иш ва бошқа соҳаларда туркий тилнинг мавқеи кучли бўлиб, бу ҳол форс тилида ёзилган бошқа асарларда ҳам акс этган. Бироқ, қиёсий тадқиқот натижасида Натанзий асарида қўлланилган туркий тилга мансуб бир неча ҳарбий ва бошқа соҳаларга оид атамалар ўша даврдан етиб келган бошқа бironта тарихий манбада учрамаслиги маълум бўлди. Оғзаки истеъмолдан аллақачон чиқиб кетган бўлса-да, лекин қўлёзмалар варақлари қатида сақланиб қолган она тилимизга оид ҳар бир сўз, шубҳасиз, миллий маданиятимиз хазинасидаги бебаҳо жавоҳирдир.

Бошқа шу хилдаги асарлар каби «Мунтахаб ут-таворихи Муиний»нинг ҳам бир қатор саҳифалари Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари тавсифига бағишланган. Маълумки, Амир Темур мамлакатни бирлаштириш, Турон истиқлолига хавфу хатар солаётган ғаниматларга зарба бериш, шунингдек, жаҳонгирлик мақсадларида кўп сонли ҳарбий юришларни амалга оширган. Соҳибқироннинг ҳар бир ҳарбий юриши ва уни келтириб чиқарган сабабларни асл манбалар маълумотлари асосида тадқиқ этиш мутахассис олимлар олдида турган муҳим вазифалардандир. Бир ярим асрлик асоратдан кейин Амир Темур ва унга саф-дош бўлган ватанпарварлар томонидан тикланган янги ва ёш мустақил Турон давлатига Олтин Урда ва Мўғулистон каби ҳарбий жиҳатдан ғоятда қудратли бўлган қўшни давлатлар ҳукмдорлари вақтинчалик бир нарса деб қарашарди. Улар Моваро ўннаҳрга бостириб кириш ва мўғуллар ҳукмронлигини қайта ўрнатиш учун қулай фурсат пойлашарди. Масалан, 1387-1388 йилларда Соҳибқирон Эрон юришида эканидан фойдаланган Олтин Урда хони Тўхтамиш Мовароуннаҳр ичкарисига бостириб кириб, ҳатто Самарқанд ва Бухоро каби марказий шаҳарларни қамал қилди. Турон истиқлоли жиддий хавф остида қолди. Соҳибқирон шошилинч қайтиб келиб, душман галаларини мамлакат ҳудудидан улоқтириб ташлади. Бундай вазиятда, албатта, Амир Темур ўз давлатининг ҳарбий ва иқтисодий қудратини тинмай оширишга мажбур эди. Тўхтамиш билан бир қанча тўқнашувлар бўлиб, унинг ашаддий душманлиги аён эса-да, Амир Темур Эрон, Озарбойжон, Хуросон, Афғонистон ва бошқа бир қанча ўлкаларни бўйсундириб, уларнинг ҳарбий-иқтисодий қувватини бир мушта жамлагандан сўнггина, 1391 йилда биринчи бор қудратли ва бепоён Олтин Урда давлатининг ичкарисига бостириб кириб, Тўхтамиш лашкарига қақшатғич зарба берди. Ўтган 170 йил давомида бирон бир саркарда Олтин Урда марказига бостириб кириш ва унинг устидан бу қадар улкан ва порлоқ ғалаба қозонишга муваффақ бўла олмаган эди. Аммо адолат юзасидан шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, агар ёлғиз Моваро ўннаҳрнинг ўзининг ҳарбий кучлари билан чегараланиб қолганида, бу ишни амалга ошириш ҳатто Амир Темур каби даҳо лашкарбоши учун ҳам ниҳоятда мушкул, балки имконсиз бўларди. Шу мисолдан ҳам маълумки, Соҳибқироннинг ҳарбий-сиёсий тадбирлари ва уларнинг сабаблари ўша даврдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, ҳар тарафлама ва холисона ўрганилиши зарурдир.

«Мунтахаб ут-таворихи Муиний» асаридан Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва лашкарбошилик маҳорати тасвирланган айрим парчаларини ҳурматли ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Ғулом КАРИМ,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институтининг илмий ходими

Муиниддин НАТАНЗИЙ

Мунтахаб ут-таворихи Муиний

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН КЕШИЙНИНГ ХОРАЗМ АМИРИ ҲУСАЙН СЎФИ ОЛДИГА ЭЛЧИ БЎЛИБ БОРГАНИ ҚИССАСИ

Амир Соҳибқирон муваффақият ва саодат билан Мўғулистон сафаридан қайтиб, доруссалтана Самарқандга келиб тушгач, Хоразмга уч бор элчилар жўнатиб қуйидагича пайғом йўллади: «Бизнинг орамизда яқин қўшнилик бўлгани ва ҳамиша дўстлик ҳақида сўз айтиб келганимиз учун сиз билан ҳамжиҳат эдик. Моваро ўннаҳрда бир неча йил давомида рўй берган тўполонлар туфайли Кот ва Хива хирожини сиз тасарруф этдингиз. Аммо олам аҳлига равшандирки, Чингизхон давридан то бу замонгача вилоятнинг ул икки бўлаги бизнинг подшоҳларга таллуқли эди ва ҳеч ким бунга дахл этмаганди». Амир Ҳусайн Сўфи бу сўзларга қатъиян илтифот этмади ва шундай пайғом йўллади: «Мен бу мамлакатни шамшир зарби билан забт этганман. Ҳар кимки бу мамлакатга даъво қилса, шамширдан бошқа нарса билан яқин келолмайди». Амир Соҳибқирон бу жавобнинг қўполлигидан ғазабга келди ва жўнаш таёғини кўчиш ноғорасига уриб, таҳдид жиловини Хоразм тарафга бурмоқчи бўлди. Моваро ўннаҳр улуғлари, жумладан, мавлоно Жалолиддин Кеший, Хожа Асомиддин Мозий ва бошқа имомлару қозилар узр ва шафоат тили билан сўзлаб, восита ва салоҳ қадамини олдга қўйиб дейишди: «Бугунги даври давронда ислом аҳлининг фахри ва замон олимларининг макони қуббат ул-ислом Хоразмдир. Унинг пок тупроғи улуғ машойихларнинг боғидир. Бир одамнинг ғарази деб Хоразм сонсиз лашкар оёғи остида хору зор бўлиб, ҳалокатга юз тутмоғи муносиб эмас. Агар иложи бўлса, улуғлардан бири воситачи бўлиб, ҳар икки тарафга маъқул бўладиган ҳақ сўзларни айтса, токим жангу мунозара сулҳу сафога мубаддал бўлса».

Амир Соҳибқирон бу гал ҳам улуғларнинг ҳоҳиши туфайли мавлоно Жалолиддин Кешийнинг Хоразмга жўнаб сулҳ номасини етказиб, Ҳусайн Сўфига жўяли ваъз ва насиҳатлардан айтишини яроқ билди. Мавлоно Жалолиддин олий ишоратга биноан жўнаб кетди ва етиб боргач, ўзига берилган топшириқ бўйича иш кўрди. Амир Ҳусайн Сўфи «Амир Соҳибқирон мендан чўчиб қолибди», деб тасаввур қилдими ёки ўзига ҳаддан ортиқ ишонганиданми, шундай деди: «Сизнинг мамлакатингиз дорулҳарбдир ва унинг ҳар бир жойига жиҳод қилиб бостириб кириш жамики мусулмонлар учун вожибдир. Шунга қарамасдан биз ҳужум қилмадик. Бизни Моваро ўннаҳр ерларини ҳам Хоразмга қўшиб олишга мажбур этманг». Шуни айтгач, Жалолиддин Кешийни бир бурчакка ўтиргизиб қўйишни буюрди. Унга бирон кимса яқинлашишини ман этиб, узокрокдан туриб кўриқлашлари учун бир неча ишончли одамларни тайинлаб қўйди.

СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ХОРАЗМГА ЖЎНАШИ ВА У МАМЛАКАТНИ ОЗОД ҚИЛГАНИ ЗИКРИ

Амир Соҳибқирон яна бир бор турли ваъз-насиҳатлардан иборат мактуб ёзди, аммо Ҳусайн Сўфи эътибор қилмади. Амир Соҳибқирон зарурат юзасидан салтанатнинг номусини риоят қилиб, лашкарларни тартибга солиб 775 (1373-74) йилда Хоразмга отланди. Етиб келиши билан дарҳол Кот қалъасини забт этди. Ҳусайн Сўфи ўзининг олдинги қайсарлигидан пушаймон бўлди ва сулҳ истаб элчилар жўнатди. Кайхисрав Хатлоний ўзининг қалтабинлиги оқибатида сулҳга тайёргарлик тадбирларини барбод қилди ва Ҳусайн Сўфи билан ҳуфия учрашиб деди: «Унинг (Темурнинг) мижози тузалишдан ўтган. Белгиланган бир кунда сен лашкарларингни бошлаб келгин. Мен сенинг мададинг билан бу мустабидни давлат саҳнасидан улоқтириб ташлагаймен». Ҳусайн Сўфи ногаҳон бор лашкарлари билан Султон ғозий лашкаргоҳига бостириб келди. Иттифоқан лашкарнинг аксар қисми чопқинга кетган эди. Шунга қарамасдан Амир Соҳибқирон отга минди ва қароргоҳда ҳозир бўлган бир қисм одамларга мукаммал қуролланиб даргоҳ олдида жам бўлишни буюрди. Тасодифан Қоғон Ўқузи номли дарё ўртада эди. Баҳодирлар кўрқмасдан жиловни қўйиб юбориб ўзларини сувга уриб дарёдан кечиб ўтиб ҳамла қилишди. Ҳусайн Сўфи ўз хаёлидагини амалга ошириш амри маҳол эканини кўргач, орқасига қайтиб кетди ва ўша куннинг ўзида дилига ўрнашиб қолган ваҳима туфайли касалга чалиниб, бир ҳафтадан кейин ўлди.

Хоразмликлар унинг укаси Юсуф Сўфини тахтга ўтиргиздилар. Амир Соҳибқирон шаҳарга яқинроқ жойлашиб жиддий равишда буткул муҳосара қилмоқчи бўлди. Юсуф Сўфи узр ва шафоат юзасидан кўплаб элчиларни ҳазрат ҳузурига жўнатди. Амир Соҳибқирон ҳам сулҳга розилик билдирди ва унинг акасининг қизини ўз ўғли Жаҳонгирга номзод қилиб қайтиб кетди.

Шундан сўнг Юсуф Сўфи аҳдни бузди ва ўз ваъдасига вафо қилмади. Амир Соҳибқирон тағин сафарга отланди. Юсуф Сўфи яна бир бор элчилар ва мактубларни орага солиб, тазарру ва зорланишлар қилиб ҳазратнинг чексиз карамидан паноҳ излади. Амир Соҳибқирон Ёдгор барлос ва улуғ Ўлжайтуни унинг қизига совчиликка жўнатди. Юсуф Сўфи уларни эҳтиром билан кутиб олди ва саодат ва иқбол билан ўз қизини уларга ҳамроҳ қилиб ҳазрат даргоҳига қайтарди.

Амир Соҳибқирон Урусхонга қарши уруш ҳолатида турган бир пайтда Юсуф Сўфи ниҳоятда калтафаҳмлиги туфайли бир неча ўғрини Соҳибқирон мамлакатининг сарҳадларига туркманларнинг туяларини ҳайдаб келишга жўнатди. Ўзи ҳам қобилияти ва имконига яраша бузғунчилик қилиш учун отланди. Амир Соҳибқирон Урусхоннинг фитнасини бартараф қилгандан сўнг хотири ранжиганлигини етказиш ва Юсуф Сўфининг ишларидан шикоят қилиш учун элчи жўнатди: «Ҳар икки тарафдан иттифоқ барқарор бўлганидан сўнг сен томондан содир этилаётган бу хил ҳаракатларни қандай тушунмоқ мумкин?» Юсуф Сўфига бу сўзлар қаттиқ ботиб, у элчини банди қилди ва ихтилоф юзидан ҳаё пардасини бутунлай олиб ташлади. Амир Соҳибқирон ҳижрий 781 (1379-80) санага мутобиқ бўлган қўй йилининг баҳорида Хоразмга отланди ва Эски Ўқуз дарёсидан кечиб ўтиб шаҳар ташқарисига келиб тушди. Тавочилар дарҳол ҳумоюн даргоҳдан ўрнак олиб тунқол қилдилар ва туманлару ҳазора (минглик)ларни ўз мурчолларига жойлаштирдилар. Куронлар атрофига чуқур хандақ қазиб девор ҳам тиклашди ва бехавотир муҳосарага машғул бўлишди. Ҳар куни икки маҳал жанг бўларди. Бир куни амир Юсуф Сўфи баҳодирлик даъвосини қилиб Амир Соҳибқиронни яккама якка жангга чорлади. Амир Соҳибқирон бир ўзи от чоптириб хандақ ёқасига келди. Юсуф Сўфи шарманда бўлди ва ўз сўзида турмади. Амир Соҳибқирон бир муддат тўхтаб туриб, сўнг орқасига қайтди. Бошқа куни Юсуф Сўфининг биродари бўлган Ёйиқ Сўфи кўп сонли қўшин билан шабихун қилди. Амирзода Умаршайх кўпинча мукаммал қуролланган бир неча қўшунни эҳтиёт учун сақлаб турарди. Дарҳол ушбу жамоат билан отланиб, шундоқ жонбозликлар кўрсата бошладики, теварак-атрофдан бир гуруҳ баҳодирлар мададга етиб келишди. Иттифоқан ҳар икки лашкар дарё ва шаҳар ўртасида жон-жаҳдлари билан қиличбозлик қилишарди. Амирзода Умаршайх душманга таҳдид этиб, бор куч-қуввати билан ҳужум қилди ва уни орқага чекинтирди. Ўзи ҳам аралашиб ичкарига кириб кетишига сал қолди. Ногаҳон бир хатарли ўқ амирзода Умаршайхнинг билагига тегди ва уни ишдан чиқарди. Баҳодирлар жиловни тортиб орқага қайтишди.

Эртаси куни Амир Соҳибқирон кўчишни буюриб, қалъа девори яқинига келиб тушди. Шундан сўнг манжаниқ ва арродалар учун тепаликлар бунёд этиш ҳамда раъд ва қаробуғроларни созлашга бошладилар. Манжаниқнинг сопқонидан отилган дастлабки тош қаршидаги буржнинг битта қуббасини уриб туширди. Бошқа бир тош Юсуф Сўфининг қасрининг пештоқига бориб тегди ва уч қаватни вайрон этиб, қарийб юз газ деворни қулатди. Бунинг ваҳимасидан Юсуф Сўфини қалтироқ босди ва унинг шижоатига путур етди. Шаҳар муҳандислари манжаниқ тошларига қарши тадбир сифатида ичига сомон ва пахта тўлдирилган тери қоплар тайёрлашни ўйлаб топишди. Амир Соҳибқирон нефт идишларидаги ёнувчан аралашмани ўқ учида уларнинг бу мосламасига қаратиб отишни буюрди. У бирданига ўт олди ва бунинг даҳшатидан шаҳар аҳолисининг дилини ваҳима қоплади. Юсуф Сўфи у мавзеъдан бошқа жойга кўчиб ўтди ва бир неча кундан кейин ушбу заҳматлар туфайли вафот этди.

Хоразмликлар Ёйиқ Сўфини унинг ўрнига ўтказмоқчи бўлдилар. Хожалоқ у билан низолашиб юргани учун рози бўлмади. Ёйиқ Сўфи уни ўлдиришни ният қилди. Хожалоқ бундан воқиф бўлди ва дарҳол ўз ихтиёридаги дарвозани топшириб даргоҳга жўнади. Амир Соҳибқирон фурсатни ғанимат билиб, дарҳол ноғораларни гумбурлатиш ва иттифоқ бўлиб «султоний жанг»ни бошлашни буюрди. Шаҳар бир лаҳзада фатҳ этилди. Неча-неча йиллар давомида тўпланган жамики бойликлар, етти иқлим султонларининг ҳасратига сабаб бўлган нафис буюмлар ва ганжиналар билан бирга Амир Соҳибқирон тасарруфига ўтди. Амир Соҳибқирон аҳолининг барча тоифаларидан кўпгина машҳур кишиларни кўчиртириб, Шайх Али баҳодирни доруғаликка тайинлаб қайтиб кетди.

СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА ХУРОСОН ТАРАФГА ЖЎНАГАНИ ЗИКРИ

Етти юз саксон тўртинчи (1382-83) санага мутобиқ бўлганит йилининг қишида, чунончи, зикр қилинганидек, қишлоқ учун Занжирсарой муайян қилинганди. Шу даврда Амир Соҳибқиронни фарзандлари ичида энг азизи бўлган Акобегим вафот этди. Бу воқеанинг қайғуси кучлилигидан Амир Соҳибқирон ниҳоятда ғамгин бўлиб қолди. Ушбу ҳол асосида амир Вали Сабзавор устига лашкар тортиб Хожа Али Муайядни муҳосара қилгани ва Алибек ҳам туғён ёқасидан исён бошини чиқазгани ҳақида хабар келди. Амирлар орасидан ҳеч ким бу хабарни арзга етказмоққа журъат қилолмас эди. Амир Соҳибқиронниг табиатига тўла ҳукмрон бўлган Катта хоним, яъни Кутлуғ Туркон Оға унга насиҳатлар айтди ва ул хабарларни маълум қилди.

Амир Соҳибқирон зарурат юзасидан амирларга лашкарни муайян булжорда ҳозир қилишни буюрди. Сўнгра Амир Соҳибқирон лашкар билан Жайҳундан кечиб ўтиб, даставвал Калотга йўл олди ва машҳур кишилардан бирини ғолиб аскарлар бораётгани хабарин Хожа Али Муайядга етказиш учун Сабзаворга юборди. У одам етиб борганида амир Вали чопарларни Сабзавор қалъаси хокрезига етказиб, қалъа деворининг теварак атрофини тўқилган панжара билан ўраб олган эди. У одам отини ташқарида қолдирди ва амир Вали лашкарлари орасига кириб бир бўш чапарнинг орқасига жойлашди. Сўнгра у қалъа аҳлининг тасдиғига асос бўлиши учун шартлашилган тарзда ҳуштак чалиб ўзини танитди ва уни тепага тортиб олишди. Хожа Али Муайяд муборак мактубни кўргач, шодлиги ва қувончи зўридан ўрнидан сакраб турди ва ғалабани башорат қилиб ноғора чалишни буюрди. Шундан сўнг бояги одам амир Валининг рўпарасидан қалъа тепасидан ўзини зоҳир қилди. Мозандаронликларнинг гумонлари тасдиқланди ва улар ажал яқинлиги ҳамда катта бало пистирмада турганлигини англашди. Улар жангдан қўлларини тортишди ва деярли забт қилинган қалъани ўз ҳолига қўйишди. Амир Соҳибқирон Калот ноҳиясига яқин етгач, Алибекни чақириш учун фармон ёзиб жўнатди. Алибек бунга жавобан шундай пайғом юборди: «Камина томонидан оғир густоҳлик содир бўлган эди. Шу сабабли мулоқотга журъат этолмаяпман. Агар Ҳумоюн ўрду орқага қайтса мен ҳам изма-из етиб бораман. Ёки онҳазрат кичик бир гуруҳ билан қалъа дарвозасига таширф буюрсалар, қуллуқ қилиб пойбўсларига мушарраф бўлардим». Амир Соҳибқирон унинг илтимосига кўра икки отлиқ билан қояларининг ҳар харсанги тоғ чўққиси билан рақобат қиладиган шундоқ ёвуз дарада қарийб икки фарсанг келадиган тор ва қоронғи йўлни таваккал қилиб босиб ўтишди. Алибек бир неча кишини бир қанча танг жойларда фурсат етганида қасд қўлини ҳаракатга келтиришлари учун қўйган эди. Азалий саодат мадади ва илоҳий иноят қўллаши уларнинг кўвини бойлаб қўйди. Шунга қарамасдан Алибек ташқарига чиқмади. Бир муддатдан сўнг Амир Соҳибқирон ва ҳамроҳлари қандай боришган бўлса, шундай соғ-саломат қайтиб келишди.

Шундан кейин Амир Соҳибқирон бундай овоза тарқаттирди: «Мен Мозандаронга юриш қилиш ниятидаман. Агар Алибек ҳам изма-из етиб келса соз бўлади. Акс ҳолда ҳаяллламасдан тағор на соврин ҳозирласин». Ярим тунда Амир Соҳибқирон бир гуруҳни илғор тарзида юборди. Улар тонг пайтида қалъа аҳлининг пода ва сурувлари ўтлоқда ёйилиб юрганида уларни ҳайдаб кетишди. Алибек ваҳима ва умидсизликка тушиб ичкарида қолди. Ўша куни лашкарлар Калотнинг отлиқ ва пиёдалар юрадиган йўлларини олишмиши қилиб, кеч кириши билан ёсол тузиш учун Куҳмол тарафга отландилар. Мағриб карвонининг муқаддимаси уфқ соҳилидан кўчиш ноғорасини чалиб, Хўтан хисрави фалак эгнидан аббосийлар либосини ечиб ташлаганида қалъа аҳли ўзларини ўқ тўфони ва қилич яшини ўртасида кўрдилар. Алибек осмон мартабали ва фалак рутбали соябон рўпарасида тавба-тазарру бошини хорлик тупроғига суртди ва лашкарларни қайтаришни илтимос қилди. У қаттиқ ва қатъий қасамёдлар қилиб тонг пайтида даргоҳга боришини айтди. Амир Соҳибқирон бу гал ҳам мулоҳаза қилди ва қўлга кирай деб турган қалъани ўз ҳолига қўйди. Аммо бу сафар ҳам Алибек ўз сўзига хиёнат қилди.

Амир Соҳибқирон Лаҳро дарасининг даҳанасида тош ва ганчдан бир қалъа қурдирди ва Ҳожихожа ибн Тузакни беш юз пиёда аскар билан шу ерга жойлаштирди. Суюрғотмишхон, Али ибн амир Муайяд ва Шайхали баҳодирларни қирқ жанговар қўшун билан Калотнинг теварак-атрофидаги йўлларни чиқувчи ва кирувчиларга беркитиш учун ушбу ноҳиянинг чеккаларида қўйди. Амир Соҳибқиронниг ўзи Мозандарон тарафга жўнади. У Хуррамобод дараси олдига етиб борганида, амир Вали яна бир бор нафис ва аъло пешкашлар ҳозирлаб, амир Ҳожини ҳазрат ҳузурига жўнатди.

Ушбу ҳол асосида бир одам Шайхали баҳодирга яширин йўлдан қалъага бошлаб бораман, деб уни бу ишга ундади. Шайхали баҳодир бу ишга иштиёқи беҳадлигидан бошқалар бу фатҳга шерик бўлмасинлар, деб ўз одамлари билан пиёда тоққа йўл олди. Иттифоқан у одам йўлни йўқотиб қўйди ва тонг отишига яқин қаттиқ тошлоқ камарда қолиб кетишди. Кундузнинг равшан нурлари ва оламни ёритувчи қуёш машъаласининг шуъласи туфайли қалъа ҳимоячилари уларнинг қорасини илғаб олишди. Шайхали баҳодир чандон саъй-ҳаракат қилди-ю, лекин бундан бир иш чиқмади. Ноилож таслим бўлди. Алибек Шайхалига шафоат назари билан қаради ва ўз тахти ёнига ўтиргизди. Бу даҳшатли хабар ҳазрат Амир Соҳибқиронга етгач, жуда афсусланди ва заруратдан Мозандарон юришини бекор қилиб орқага қайтди.

Хуросоннинг жами сардорлари даргоҳга келиб қўшилишганди ва Туршиз қалъасининг кутволи шу пайтгача даргоҳ сари отланмаганди. Маслаҳат юзасидан Калотга эътибор берилмай, Туршизни муҳосара қилишга фармон берилди. Али Садид ул метин қалъанинг мустаҳкамлигига умид қилиб, жанг қўли билан беадаблик довулини қоқди ва саркашлик бошини манманлик қалқони ортига тортди. Иттифоқан ул қалъа хандаги сувга тўла ғарқ қилувчи қўлга ўхшар, унинг чуқурлигини қиёсий ўлчов билан аниқлаб бўлмасди. Муҳандисларга тайёрани ишга солиб ернинг нишабини аниқлаш амр қилинди: ҳисоб ўн фарсангга баробар чиқди. Ариқ қазувчиларга ҳар бири ўн фарсангга баробар бўлган қарийб элликта кориз қазиб, ул хандақнинг сарчашмасини сахрога қаратиб оқизиш ҳақида фармон берилди. Сув ер қаърига кетганидан кейин хандақнинг лойи офтоб ҳароратидан худди сув кўрмаган сопол идишдек қуп-қуруқ бўлиб қолди. Шундан сўнг хокрез, девор ва буржларда улкан рахналар очишди. Чунончи, қалъа деворининг бўлак ва парчалари тахталар ва белпоялар устида муаллақ бўлиб қолганди. Ҳар бир ёриқ ҳосил бўлганида Али Садид биродарлари билан бирга олишув чапарини хандақ лойи чеккасига қўйишар ва тошлар зарбаси билан баҳодирларнинг оташ дамли қиличлари ҳамлаларини қайтариб ёриқни қайтадан маҳкам қилишарди. Шу тариқа қалъа девори ва буржларнинг ён-атрофлари бир неча марта иморат қилинди ва ўпирилди ва яна қайта тикланди. Шундоқ қудратли подшо шу тўрт деворни эгаллашга ожизлик қилди.

Оқшом пайти бахт юлдузи ложувард тахтага хурсандчилик либосини ёйиб, давлат ёритқичи (ой) саодат матлаъидан балқиб чиққанида Али Садид хабар этмасдан ва олдин бу иш муқаддимасини бажо келтирмаганига қарамай таваккал кафанини зору, тавалло бўйнига ўраб қалъа калитини қўлига олиб ташқарига чиқди. У биронта амир ёки вазирга илтижо қилмасдан тўппа-тўғри даргоҳ эшиги олдига очиқ-ошкора келди ва удайчига деди: «Ичкарига кир ва ҳазратга фалон хокисор банда эшик олдида турганини маълум қилгин». Амир Соҳибқирон унинг жасурлигидан ҳайратга тушди ва ичкарига чақирди. Али Садид калитни ерга қўйди ва тазарруъ юзини тупроққа суриб узр ва шафоат тили билан қудратли давлатни дуо қила бошлади. Амир Соҳибқирон деди: «Бу даргоҳга мулозимат қилиш ниятида экансан, нега қанча вақт қайсарликни ўзингга касб қилиб барча қон тўкишларга сабабчи бўлдинг?» Али Садид деди: «Барча замонларда бошқа мамлакатларга нисбатан Хуросон мамлакатининг орияти кучли бўлган. Эндиликда ҳумоюн ўрду бу ўлкани фатҳ қилишга отланди ва бу иш унга осон бир тарзда муяссар бўлди. Бундан баҳодирларнинг кучли орияти бемиқдор бўлиб қолди. Бинобарин, жангга журъат қилдим, токим шундай ўрмон нар шерлардан холи ва бу майдон ботир кишилардан бўш деб тасаввур қилмасинлар». Амир Соҳибқиронга унинг сўзлари ёқиб тушди ва уни турли суюрғол ва иноъомлар билан сарафроз қилди. Қалъа девори фармонга кўра тупроқ билан текислаб ташланди.

давоми бор

---

1. Қуббат ул-ислом, яъни «ислом қуббаси». Ўрта асрларда Хоразм, Бухоро, Балх каби ислом маданияти ривожига катта ҳисса қўшган шаҳар ва вилоятларга берилган лақаб.

2. дорулҳарб — маъноси «уруш уйи» бўлиб, одатда мажусий ўлкаларга нисбатан айтилган. Бу ерда Ҳусайн Сўфи Амир Темурнинг Чингизхон авлодидан бўлган Суюрғотмишхонни номига Моваро ўннаҳр хони қилиб кўтарганига шама қилиб, шундай деяётган бўлиши мумкин.

3. Султони ғозий — маъноси «дин учун курашувчи султон» бўлиб, Натанзий ўз асарининг кўп ўринларида Амир Темурни шу лақаб билан атаган.

4. Урусхон Оқ Ўрда давлати ҳукмдори бўлган.

5. тунқол — қўшиннинг ҳарбий низомга кўра жойлаштирилиши.

6. мурчол — ҳар бир ҳарбий бўлинма учун тайинланган жой.

7. курон — атрофи мустаҳкамланган ҳарбий қароргоҳ.

8. шабихун — душман қароргоҳига тун қоронғисида босқин ясаш.

9. Умаршайх Мирзо (1356-1394) Амир Темурнинг иккинчи ўғлидир. Умаршайх Мирзо Натанзий ўз асарини бағишлаган Мирзо Искандарнинг отаси эканлиги сабабли бўлса керак, муаллиф Амир Темурнинг бошқа ўғилларига қараганда унинг номини кўпроқ тилга олади.

10. «Қўшун» сўзи бир неча юз кишидан иборат аскарий бўлинма маъносида бўлиб, лашкар маъносидаги «қўшин» сўзидан фарқаланади.

11. манжаниқ тошотар, аррода девортешар асбобдир.

12 раъд ва қаробуғро — ёнувчи модда ирғитадиган асбоблар.

13. Қутлуғ Туркон Оғо Амир Темурнинг опасидир.

14. булжор — лашкар йиғилиши учун белгиланган жой ва шу ҳақдаги буйруқ.

15. чапар — бутун гавдани тўсадиган катта қалқон. Асосан қамал ёки мудофаа жангларида ишлатилган.

16. хокрез — қалъа атрофида хандақ қазилганда ҳосил бўлган тупроқ уюми.

17. тағор — лашкар таъминоти учун йиғиладиган озуқа ва ем-хашак.

18. соврин — тобелик белгиси сифатида бериладиган совға-саломлар.

19. олишмиши — бу атама муайян бир мавзенинг ҳарбий қисмлар томонидан ишғол этилиши маъносида қўлланилган.

20. ёсол (ясол) — жанговар саф.

21. Бу ерда Хўтан хисрави деб қуёш ва аббосийлар либоси деб қоронғилик назарда тутилмоқда. Чунки қора ранг аббосийлар сулоласининг рамзи бўлиб, уларнинг байроғи ҳам шу тусда бўлган.

22. Матнда ҳам «тайёра» деб ёзилган. Муҳандис (инженер)лик асбобларидан бири эканлиги англашилиб турибди.

23. кориз — нишаб жойларда маълум йўналишда бир қатор қудуқлар қазиб, уларни туташтириш орқали ҳосил қилинадиган ер ости ариғи

ЯХШИ СЎЗЛАР АЙТАР ЭДИ...

Соҳибқирон Амир Темур маърифий кишиларни, билимли доноларни илм-фан соҳибларини ғоят ёқтирган ва уларни ҳар жиҳатдан қуллаб қувватлаган, улар учун зарурий шарт-шароитлар яратиб берган. Моваро ўннаҳрнинг улуғ амири меҳр-оқибат туфайли сарой атрофида олимлар, шоиру ёзувчилар кўплаб тўплаган эди.

Соҳибқирон Амир Темур маъруф китобхон бўлганлигига тарих гувоҳ. У тарихий ва бадиий китобларни кўпроқ мутолаа қилар эди. Унинг машҳур саркарда, тадбиркор давлат арбоби бўлиб шаклланишига ҳам китоб ўқиши катта таъсир кўрсатган, албатта. Бобокалонимиз чунончи китобнинг қудратига юқори баҳо бериб бундай деган эди: «Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақлидрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир».

Амир Темур китоб мутолаа қилиб қийин ишларнинг калитини топди, чуқур фикрлаш қобилиятига эга бўлди ва ниҳоят тарихда оламаро учинчи соҳибқирон деган ном олди.

Бобокалонимиз китобдан олган маънавий бойликни мансабдор шахслар билан бўлган мулоқотлар, улар ёзишма-мактубларида ғоят ўринли қўллар эди. Айниқса, ҳикматли сўзлар, мақоллар ва шеърий парчалардан ижодий фойдаланиб иш кўришда юксак намуна кўрсатар эди. Соҳибқирон ўз рақиби Амир Ҳусайнга йўллаган бир туркий байт маълум. Лекин бу байтнинг кимга мансуб эканлиги ҳанузга қадар аниқ маълум эмас. Мана, ўша байт:

Ёрга еткўр, сабо, ким макр қилмишдир манга,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.

Амир Темурнинг асосий китоб мутолаа қиладиган жойи Кўксарой кутубхонаси эди. У турли мамлакатлар ва шаҳарларда бўлган пайтларида ҳам, кутубхоналар аҳволи, мўътабар олимларнинг асарлари билан дарҳол танишар эди. Масалан, Соҳибқирон Хамадонда бўлган пайтида буюк ватандоши Абу Али ибн Синонинг турбатини зиёрат қилди. Сўнгра, буюк олимнинг асарларини топтирди.

Амир Темур ҳамиша улуғ Шарқ муаррихларининг ижодига қизиқди ва уларнинг асарлари доим ўз қўл остида бўлишини истади.

Навоийнинг қўйидаги сўзлари бунга яхши ишорадир;

«Темур Кўрагон агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқида ўқубтурларким, анингдек бир байт ўқуғон, минг яхши байт айтқонча бор» (Алишер Навоий. «Мажолисун-нафоис», Ўздавнашр, 1948, 129-бет).

Соҳибқироннинг мажлислар ва кенгашларда сўзлаган оташин нутқларидаги муҳим хусусиятлар, уларга куч-қудрат бағишлаган нарса ҳикматлар, мақоллар, ривоятлар ва шеърий парчаларни ўз ўрнида хўб ишлата билганлигидадир. Ушбу хусусда Алишер Навоийнинг гувоҳлиги ғоятда қимматлидир. «То олам аҳли билгайларким, султон Соҳибқиронғаким, мажлисда пайдарпай абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқи бўлур» («МН», 130-бет).

Назар РАЖАБОВ

Самарқанд

МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ

Миллий удумларимиз

БЕЛНИНГ ЭГАСИ

«Тангрининг туҳфаси» дея шоир таърифу тавсиф этган қиз-жувонлар — аёллар ҳақида, уларнинг узун сочлари ҳақида ёзмоқчи бўламану, яна буни ёзишга арзийдими, дейман? Ахир, биз модалар ҳақида батафсил ёзиш, бу ҳақда муҳокама юритишни кўпдан ўзимизга эп билмаймиз. Ҳолбуки, замон — мода замони. Буни Ғарб дунёси ўта нозик тушунади. Мода индустриясини хўп ҳафсала ва корафталик билан йўлга қўяди. Аёлу эркак қалбини ишғол этади.

Болалигимдан халқ эртаклари, достонларига меҳрим баланд бўлиб ўсдим. «Ўзбек халқ эртаклари» китоби жони-дилим эди. Қаҳрамон, мард, қўрқмас, ботир паҳлавонларга ҳаёлан эргашиб, тўғрилик ва ҳалолликка зимдан ҳавас қилардим. Гўрўғли достонларидаги Авазхон, Ҳасанхонга, Равшанбекка чиппачин ишонганман. Мисқол парилар, Юнус парилар, Зулхумор парилар борлигига шубҳа қилмаганман.

Ўсмирлик чоғларимда яна бир оромсиз туйғуни ҳис қила бошладим. Эртаклардаги юзига етти қават парда ташлаб ўтирадиган маликаларга, узун сочи майда қилиб ўрилган, қирқ кокили тақимини ўпадиган ақли расо қизларга меҳрим ошди. Қишлоғимизнинг сочи узун гўзал қизларини уларга қиёс қилардим. Бувим Ҳикоят Рўзи қизи айтиб берадиган эртакларда у гоҳ шоҳ, гоҳ камбағал қизи бўлса-да, унинг нозик бели билан битта қилиб ўрилган сочи тўлқинлари ҳақида мароқли тасвир бор эди. Бу тасвирлар ипакдек майин, сув тўлқинидек тўлғонувчан эди. Айниқса бувим узун сочлар ҳақида гапирганларида бўлакча яйраб сўзлардилар. Эртак тинглаб бувимнинг ярмидан кўпроғи оқарган сочларига ниғоҳ ташлардим. Учи пўпаклик узун қора жамалаклар қўшиб ўрилган қалин сочлари ўтирган жойларида ҳам орқаларида тўлғониб турарди. Бирор марта у кишининг сочини тўзғиган ҳолатда кўрмаганман. Соч ювишни эса ўз вақтидан сира канда қилмасдилар. Ҳатто ҳавонинг салқин кунларида ҳам қуёшнинг тафти мўлроқ тушадиган ҳовлининг ўнғай жойларида бувимнинг соч ювадиган тоғорасини кўп бор кўрганман.

Қишлоқ аёлларининг, айниқса кекса аёлларнинг соч ювиши қизиқ эди. Эҳ, у одатлар, эслайверсанг селобга айланасан киши. Ёдимда, бувим ўчоққа қўмғон осиб сув иситаётиб мени огоҳлантириб қўярди:

— Ўйинга овора бўлиб тағин узоқроқ кетиб қолмагин, болам.

— Хўп, — дердим-у бироз ўйнаб ҳузурларига келардим.

— Бор, ўғлим, Ҳуррам бувингни чақириб кел. Қалин рўмоли билан бошига чамбарак қилиб ўралган сочини танғиб олган бувимнинг соч ювгандан кейинги шу кунги руҳияти кўтаринкироқ бўларди.

— Бувим бош ювдилар, сочларини ўриб кўяркансиз дегин. Бориб айтардим, Ҳуррам бувим ҳам куттирмай келарди. Унгача бувим чой дамларди. Чойнак олдида иккита пиёла, тақсимчада кўк чой билан доимо тўрт дона ширинликми ёки бир ҳовуч майизми бўларди. Соч ўриш баҳона икки қария жуда илиқ қўришарди. Кузатиб турардим, Ҳуррам буви бувимнинг сочларини аввал эринмай ёрди. Ҳар бир толасини ўз йўлига тўғрилаб олгач, бувимнинг орқасига эмин-эркин ўтириб оларди. Бир чеккадан жиндек-жиндек қисмларга ажратиб аввал чўп тароқ билан обдан тарар, сўнг маълум бир тенг қисмчасини уч бўлиб бармоқлари билан худди гилам тўқиётган аёллардек ўриб келаверарди. Баъзан маҳлиё бўлиб қузатардим. Ҳуррам бувининг узун-узун бармоқлари нафис бир маромда ҳаракатланарди. Нафис ҳаракатлардан билакларидаги кўк томирлари бўртиб чиқарди. Бирор қаричча ўриб борилгач, ипак жамалакдан битта-битта қўшиб охиригача ўрилларди. Жамалаклар Ҳуррам бувининг тиззаси устида тайёр турарди. Бу дамги сухбатлар мароқли, ўта ширин эди. Ўзига хос содда лутфларида самимият, меҳр балқиб турарди. Менимча соч баҳона дийдорлашиларди. Дийдор ғанимат тушуниларди бу сухбатларда.

Баъзан онам: Ҳуррам бувини овора қилманг, ўзим ўриб қўяман, дерди бувимга. Бувим рад қиларди: «Ҳуррам дугонам мустаҳкам қилиб ўради. Сени ўрганинг икки кунда титилиб кетадида. Ҳар икки кунда менда бош ювишга ҳафсала қани, болам. Онам ўзингиз биласиз деган»-дек елка қисарди. Баъзан Ҳуррам бувимнинг тоби қочганмиш дердилар. Эшитиб бир ботмон қайғу босарди бувимни. Худо шифо берсин, эртага ўтаман дердилар куюниб. Ювилган сочи бошида нам олувчи рўмол билан ўралган бувим шу ҳолда ҳам онамга ёки ҳовлимиздаги ёш келинчакларга соч ўрдирмасдан менга юзланарди:

— Бўлмаса, бориб Салом бийнигни айтиб келгин.

Мен Салом бувини чақириб келардим. Уларнинг гапи бир-бирига қовушарди. Ҳар қандай заҳрур ишлари бўлса ҳам ташлаб келишарди. Бир-бирларини кўриб чеҳралари очилиб кетарди. Соч ўраётган Салом бувидан бувим секингина сўрарди:

— Ҳуррам дугонамни тоби қочганмиш.

— Ҳа, бироз шамоллабдилар. Кеча ҳавонинг салқинида бош ювганлар. Сочларини ўришга ўтганимда иситмалари бор эди. Сочнинг нами бошларидан ўтиб кетган.

— Кексаликда кўп сочнинг сариштаси оғирлик қилади-да, дугона. Ўзиям нақд қирқ ўрим бўлди. Ҳалиям беллари билан битта сочлари бор.

— Соч — белнинг эгаси, дугона, — дейди бувим охиста. Салом буви рост дегандек сукутга чўмади.

Муҳаббат васфи битилган китоблардан ёр васли, висол завқи, узун сочлар тўлқини ҳақидаги тизмаларни ўқисам, ўша болалик хотираларим такрор жонланади.

«Сочининг савдоси тушти
бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзғорим
ул қаро қошдин яна...»

Бобур «тийра бўлди» жумласини нақадар ўйнатиб юборган! Сочда мунча сир кўп экан! Абдулҳамид Чўлпон тўлқинланиб кетиб, «Сочилган сочингдай сочилса сиринг» — деб юборганлар. Булар шунчаки гўзал шоирона лутф-образлар эмасдирки! Уларда бир миллий туйғу яширилган-ки!

Соч белнинг эгаси! Унинг белга тушиши қиз бола балоғатга етганлигига ишорадир.

«Олма пишганда келинг,
Тагига тушганда келинг.
Орқа сочим жамалак,
Белимга тушганда келинг...»

Сочи узун қизлар... Уларнинг даври ўтдими? У жозиба ва латофатлар даври тугадими? Энди калта қиркилган, шалоладек, пўртанадек тошган, кўпирган сочлар ютиб чиқдими замонлар, модалар мусобақасида?

Ўйланиб қоламан: узун сочларга калта сочларни қарши кўйиш тўғрими? Ҳар бирининг ўз гўзал нафосати ўзига етарли эмасми? Уларнинг бирини мақтаб иккинчисини ерга уриб бўладими?

Муҳими, гўзаллик! Гўзалликнинг шакли эса ранг-баранг! Шундай дейману барибир узун сочларни кўмсаш онгимга ўрнашиб қолганлигини ҳис этаман.

Модалар ўзгарувчан. Ҳақиқий гўзаллик эса абадийдир.

Дилмурод ЖАББОР

Бухоро

ИККИ ЭЛ ИФТИХОРИ

Атоқли қримтатар адиби, ўзбек адабиётининг садоқатли дўсти Шомил Алядин таваллудининг 85 йиллиги арафасида оламдан ўтди.

Адибнинг болалиги Қримнинг Ай-Петри ўрмонлари қўйнида Маҳулдур қишлоғида кечди. Унинг илк шеъри «Тонг булбули» Исмоил Гаспралининг хотирасига бағишланиб, «Ёш қувват» газетасида босилганда, муаллиф ўн беш ёшда эди.

Шомил Алядин Симферопол педагогика техникумида ўқиди. Туркий халқларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиш истагида 1932 йили Тошкентга келди. Чирчиқ электрокимё комбинати қурилишида экскаваторчи бўлиб меҳнат фаолиятини бошлаган йигирма ёшли Шомил Тошкент Мелиоратсия ва Педагогика институтларида таҳсилини давом эттирди. Шоирнинг «Ер кулди, кўк кулди», «Ҳаёт» каби шеърий тўпламлари ўттизинчи йиллари нашр этилди. У катта мақсадга йўналтирилган ижодий изланиш олиб борди. Қрим Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлиб хизмат қилди.

Фашизмга қарши урушнинг бошидан охиригача жангда бўлган Шомил Алядин оғир яраланди. Урушдан кейин мумтоз ўзбек адиби Ойбекнинг таклифи билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюмасида ишлай бошлади. Шундан кейинги адибнинг олтмиш йиллик ижодий фаолияти Ўзбекистон билан боғланган.

Шомил Алядин ўзбек ва қримтатар адабиётларига юрак ҳарорати билан хизмат этди. Исмоил Гаспрали, Бакир Чобанзода, Абдулло Латифзода, Умар Ипчи, Ашраф Шаъмизода каби қримтатар мумтоз адиблари изидан бориб замондошлари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Мақсуд Шайхзода каби ўзбек адабиёти дарғаларининг ёнида туриб туркий халқлар адабиётлари хазинасини бир қанча нодир асарлар билан бойитди.

Адиб шогирдлари билан суҳбатларда «Менинг адабиётдаги касбим — қиссанавислик», дер эди. Ҳақиқатдан ҳам, жўшқин кишилар ҳаётидан олиб ёзилган қиссалари қримтатар насрининг ривожида муҳим ўрин олди. Қримтатар насрининг шаклланиши ва ютуқлари унинг ижоди билан боғлиқдир. Ёзувчининг «Тасалли», «Сенмисан, ўғлим?», «Қурбонлар номи билан», «Бўрон тинганда», «Элмаз» ва «Иблиснинг зиёфатига даъват» каби ажойиб қиссалари ҳамон қизиқиш билан ўқилади.

У чин маънода ҳозирги заманнинг одами, давр қаламкаши эди. Унинг ҳамиша сўзи билан иши бир, шахсияти, ҳаётда тутган йўли, орзу-интилишлари, турмуш тарзи билан ижоди, асарлари бир-бирига уйғун эди.

Қримтатар адиблари Ш. Алядин ва Ю. Болат ўқувчилар ҳузурида

Унинг қаламига мансуб бўлган барча насрий асарлар муайян жиҳатлари билан Шомил Алядиннинг тарихий ватани — Крим, руҳий диёри Ўзбекистон билан узвий боғланган эди.

Қримтатар халқининг бошига келган фожиа- сургунлик даврини бошидан кечирган Шомил оға умрининг кўп қисми ўтган гўзал Ўзбекистонга икки ажойиб асар — «Агар севсанг» ва «Тонг отгунча чараклаган чироқлар» романларини бағишладики, адиб улар воситаси билан ҳаёт қийинчиликларини биргаликда енгган, қримтатарларга ёрдам қўлини чўзган ўзбек халқига юракдан миннатдорлик изҳор этди.

Олтмишинчи йилларда ёзилган «Агар севсанг» романида Чирчиқ бунёдкорларининг жасорати улуғланди. «Тонг отгунча чараклаган чироқлар» романида эса Оҳангарон кончилари ҳаётини тасвирлади.

Адиб «Яшил либосли қиз», «Элмаз», «Булоқчалар» ва «Буровчилар» каби қатор тўпламларига кирган қиссалари ва ҳикояларида Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилган замондошлари — қримтатарлари ҳақида сўз юритди.

Шомил Алядин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қримтатар адабиёти кенгашини тузишда, «Йилдиз» («Юлдуз») адабий-бадиий журнали ташкил қилишда, ёш истеъдодларни тарбиялашда бош-қош бўлдики, буни ҳозирги қримтатар адабиётининг кўзга кўринган вакиллари бўлиб етишган адиблар ҳеч қачон унутмайдилар.

Ёзувчи халқнинг виждони, дейдилар. Ҳақиқий қалам соҳиби ҳамиша шундай бўлиб қолаверади. Шомил ёзувчи деган юксак номга муносиб яшади. Қримтатар халқи ўзининг маданияти, адабиёти дарғалари сафида Шомил Алядин сингари сўз устаси, санъаткори бўлганидан ифтихор қилади. Энг мураккаб, мушкул дамларда ҳам иймон-эътиқодига содиқ қолган, ҳамиша халқ сўзини мардона туриб айтган, ижтимоий адолат, адиблариннг, адабиётларнинг софлиги, бадиий юксаклиги учун курашган асл ўғлининг порлоқ хотирасини юрагида абадий сақлайди.

Сафтер НАГАЕВ,
қримтатар адиби

САМОВИЙ ОЛАМ

Ўн саккиз ёш —
Нима ғамим бор,
Бу дунёни севишдан бошқа.
Ўн саккиз ёш —
нима ғамим бор
Кўзларингни кўришдан бошқа.
Ўн саккиз ёш —
Осмон меники.
Фаришталар соқчи қошимда.
Ўн саккиз ёш —
Айт, мен кимники?
Ўн саккиз минг олам бошимда.
Ўн саккиз ёш —
Нима ғамим бор,
Гул атридан мастона бўлдим.
Ўн саккиз ёш — Севги сатридан
Телба бўлдим, девона бўлдим.
Ўн саккиз ёш —
Мени чўмилтир,
Томиримдан томган бодага
Ўн саккиз ёш —
Нима ғамим бор
маликаман бир шаҳзодага.

***

Оёқяланг болалик ўтди,
Айтгил, қачон унга тўйибман.
Юрагимга гул тўлиб кетди
Ўн саккизга кириб қўйибман.

Ўн саккизта жомни тўлдириб,
Ўн саккиз бор ичганман қониб.
Ўн саккизта баҳорим турар
Ўн саккизта юлдуздек ёниб.

Айб қилмадим ўн саккизгача
Ёритмадим гуноҳ қасрини,
Оппоқ тонгдек бокира эдим.
Ўн саккизда қилдим барини.

Гуноҳларим — фаришталарим.
Сизга элтдим дил оҳларини
Худо, худо кечириб юбор
Ўн саккизнинг гуноҳларини!

Гулжамол АСҚАРОВА

Шарқ билгинлари

ИБН МОЖЖА (834—886)

Бу кишининг тўла исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Абдуллоҳ ибн Можжа ал-Қазвинийдир, 219 ҳижрий (834 милодий) йили таваллуд топган. Ибн Можжа ёшлик чоғлариданоқ илм-маърифат ўрганишга киришиб, ҳадис илмига қизиқади. Рай, Басра, Куфа, Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Ҳижоз каби шаҳарларда бўлади, у ерларда ўзи истаган илм-маърифатдан баҳра топади. Бу шаҳарларда машҳур бўлган ҳадис олимларидан таълим олади, бу соҳадаги илмини камолига етказади. Бу аллома ислом оламида ўзининг «Сунан» деган китоби билан донг таратади.

Бу киши ўз даврида энг йирик қонуншунос-фақиҳларидан бўлиб етишади.

Бу даврда имом Бухорий, Ан-Насоий, Абу Довуд ва ат-Термизий кабиларнинг ҳар бирининг «Сунан» деган таълифлари мавжуд эди.

Йирик олим Абулфазл ибн Тоҳир ал-Мақдисий (ваф. 1113) мана шу беш ҳадис олимларининг асарларини жамлаб «Атроф» деган махсус мажмуа тузган. У Ибн Можжанинг «Сунан» китобини ҳам шу «Атроф» деган мажмуасига қўшган, натижада олтита йирик муҳаддислар китоби бир йирик асар бўлиб жамланган. «Олти китоб» — «Кутуби ситта» номи билан танилган.

Ибн Можжанинг «Олти иймон шартлари» деган асари ҳам бўлган.

Аммо ҳадис олимлари орасида бир қисми Ибн Можжанинг бу асарини «Олти китоб»нинг олтинчиси сифатида қабул қилишса, бошқа бирлари Анас ибн Моликнинг (ваф. 711) «ал-Муватта» китобини ўша ўринга лойиқ кўрганлар.

Ибн Можжанинг «Сунан» асари 32 қисмдан ва 1500 бетдан иборат бўлиб, 4000 ҳадис мавжуд.

Ибн Можжа 273/886 йили вафот этган.

ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ (ваф. 287/909)

Жунайд ибн Муҳаммаднинг отаси шишагар эди. Шу сабабдан ҳам у Қаворирий (шишагар) деган исм билан ҳам машҳур бўлди. У Ниҳовандда туғилди, Бағдодда ўсиб-улғайди ва илм-маърифат излаб анча жойларни кезади.

У даврнинг йирик мутасаввифларидан дарс олади, ўзи ҳам улар аҳлидан бўлиб етишади.

Имом Шофиийнинг талабаси бўлмиш Абу Саврдан фиқҳ, тафсир, ҳадис, калом каби илмларни ўрганган. Кейин тоғаси олим ва зоҳид Сарий ас-Сақатийдан тасаввуфга оид йўл-йўриқларни билиб олади. Тоғаси ҳам жиянига жуда оқибатли, меҳрибон одам бўлган.

У ўша даврда энг йирик «Саййид ат-Тоифа» (тоифа бошлиғи) унвонини олишга муяссар бўлган ва даврнинг мутасаввифларига сардорлик қилган.

Унинг фикрича, ирфон ҳаққа яқинлашишдир, аммо бу эришиш саҳоват, эҳсон йўли билан қилинган амал ва ҳаракат эмас. Унинг эътиқодича, Пайғамбар йўл-йўриғидан бошқа барча йўл халқ учун берк. Аксинча, инсон ҳақ йўлдан тояр, порлоқ йўл ва лойиқ манзилга етмас.

Жунайд Бағдодий чинакам суфий ва ихлосли диндор одамларга таъриф бериб шуларни айтган:

Чинакам суфий кишининг юраги Иброҳим алайҳиссалом каби дунё севгисидан ўзоқ бўлиши керак.

Таслимияти эса мисоли отаси қўлида қурбон бўлишга розилик берган Исмоил алайҳиссаломга ўхшаш кучли бўлиши керак.

Шавқи эса мисоли Мусо алайҳиссалом мунажоти савиясидаги шавқ каби юксак бўлиши керак.

Сўфийнинг сабри Айюб алайҳиссалом каби соғлом сабр бўлиши керак. Сўфийнинг ихлоси эса Муҳаммад алайҳиссалом ихлоси каби бут, мукаммал бўлиши керак.

Жунайддан:

— Балонинг энг каттаси нима? — деб сўрашса, у сўраганларга қараб:

— Балонинг энг каттаси балони билмасликдир, — деб жавоб берибди. — Балонинг йириги ғафлатдан олдин келади.

Жунайд 91 ёшга кириб вафот этган. У устоди ҳамда тоғаси Сарий ас-Сақатий қабри ёнига кўмилган.

Жунайд Бағдодийдан бир қатор асарлар мерос бўлиб, сақланиб қолган. Улар қуйидагилар:

1) Жунайд рисолалари; 2) Руҳлар дуоси китоби; 3) Фано китоби; 4) Илоҳият ҳақида рисола; 5) Тафсир борасида рисолалар; 6) Ихлос ва садоқат ўртасидаги фарқ ҳақида рисола.

Жунайднинг бу рисолалари турли мамлакатларнинг шарқ қўлёзмалари сақланадиган масканларида, шу жумладан, Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасида мавжуд.

Абдусодиқ ИРИСОВ

Ҳикмат дурдоналари

АДОЛАТЛИ ФАРМОН

Эрон шоҳи Каримхон Занд (1750-1779 йиллар) девонхонада арзғўйларнинг шикоятларини тинглаб, зарур амру фармонлар бериб ўтирган эди. Бир маҳал ташқарида «Адолат қилинг», деб бақираётган одамнинг овозини эшитиб қолди. Зудлик билан уни олиб киришларини буюрди. Амри вожиб бўлгач, ундан сўради:

— Кимсан?

— Савдогарман. Ўғрилар бор-будимни шилиб кетишди, ёрдам беринг, жаноби олийлари, — деди ул киши куйиниб.

— Улар мол-мулкингни ўғирлашаётганда сен қаерда эдинг?

— Ухлаётган эдим.

— Ухлаётган эдинг?! Нега?

— Чунки сени уйғоқ деб ўйлаган эдим, — жавоб берди тожир.

Бу жавоб шоҳга жуда ёқди ва у вазирга қараб:

— Ўғирланган молининг қийматини беринг. Биз эса ўғриларни топиб, унинг молини қайтариб олишимиз керак! — деди.

ТАРИХИЙ ҲИКОЯТЛАР

ХУРОСОН ҚОЗИСИНИНГ ҲУКМИ

Машҳур тарихчи Ибн Асир ўзининг «Ал-Комил» китобида шундай бир қизиқ воқеани баён этади: «Мовароуннаҳр сарзаминида ислом ғалабаси шиддат билан давом этиб, Самарқанд шаҳрини қамраб олган вақт эди. Умавийлар халифаси Сулаймон бин Абдул Малик салтанати тугатилиб, халифалик мақоми ва тахти (маснади) умавийлар сулоласининг, одилликда, тадбиркорлик ва эҳтиёткорликда ягона халифаси Умар бин Абдул Азиз зиммасига юкланган эди. Унинг адолатпарварлиги ҳамма ёққа ёйилганди. Халойиқ халифаи замонга мактуб йўллаб, Ислом лашкари саркардаси Қутайба Боҳилий уруш қонун-қоидаларини қўпол равишда бузиб, Самарқанд шаҳрини хийла-найранг ва маккорлик ила забт этди, дея шикоят қилди.

Умар бин Абдул Азиз «Бу ҳақда Хуросон қозиси Жамитъ бин Ҳозир Балхийга арз қилсинлар ва унинг ҳукми сўзсиз бажарилсин», деб амр этди. Қози масалани ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, бир ҳукм чиқардики, у жаҳон урушлари тарихида энг ажиби ва ўхшаши йўқ ҳукмдир. Ҳукм хулосаси қуйидагича эди:

«Самарқанд шаҳрини забт этишда Қутайба хийла-найранг ишлаттани ва маккорлик қилганлиги амалда исботланди. Шу боис тез фурсат ичида Ислом лашкари шаҳардан олиб чиқиб кетилсин. Самарқанд ва унинг аҳолиси ҳаёти шаҳар забт этилишдан олдинги вазият ва тартибга қайтарилсин».

Дарҳақиқат, Ислом ҳеч бир замонда зўрлик ва қилич забт эта олмаган халқ руҳини ва жонини ана шундай адолатли ҳукмлари ила ўзига жалб қилди ва дунёда кенг тарқалди.

ЗУЛМГА ШЕРИК БЎЛОЛМАГАН БАҲЛУЛ

Ҳорун ур-Рашид билан бир асрда яшаган Баҳлул фозилориф, ўта хушчақчақ ва қувваи ҳофизаси мустаҳкам киши бўлиб зулм ва ситамлардан беҳад ҳазар қиларди. У зулм ва зўрлик ўтказиш, истибдод ва мустабидлик авж олган пайтда энг оғир ва мураккаб мансаб қозилик деб биларди. Чунки ҳукумат маъмурлари судлашув ва даъвогарлик пайтларида қозилардан қандай бўлмасин, доимо уларни ҳимоя қилишни талаб қилишар, акс ҳолда, уларга тазйиқ ўтказишарди. Оқибат қозилар ҳақни ноҳақ, ноҳақни ҳақ дейишга мажбур бўлардилар.

Ҳорун ур-Рашид бир куни Баҳлулни қасрига чорлаб, ундан халифалик ишларини бажаришда ҳамкорлик қилишни, Бағдод қозиёти ҳамда қонуний ҳукматни бошқаришни зиммасига олишини сўради. Баҳлул таклифни эшитибоқ, даҳшатга тушди ва:

— Бу вазифани бажариш учун менда омилкорлик ва салоҳият етишмайди, яхшиси, уни бошқа бир кишининг зиммасига юкланг, — деди.

Ҳорун ур-Рашид айтди:

— Бағдоднинг улуғ зотлари ва аъёнлари, вазирлари сени танладилар, бошқа ҳеч бир кишига кўнмадилар.

— Субҳонолло!.. Мен ўз салоҳиятимни бошқалардан кўра яхшироқ биламан-ку! Бундан ташқари,— деб давом этди Баҳлул,— агар мен тўғрисўз, ростгўй бўлсам, шунинг ўзиёқ менинг бу мансабга нолойиқлигимни кўрсатмайдими? Борди-ю, мен ёлғончи ва риёкор бўлсам, қандай қилиб, бу амалга муносиб бўлишим мумкин?!

Халифа ўз сўзида собит этди. Баҳлул қанчалик қайсарлик қилса, Хоруннинг қатъияти ҳам шунча кучайиб борди. Ниҳоят, Ҳорун ўз қароридан қайтмаслигига кўзи етган Баҳлул ундан бу ҳақда атрофлича ўйлаб кўриш учун бир кунга муҳлат сўради. Ҳорун кўнди. Баҳлул уйига бориб фикр дарёсига чўмди. Пировардида, агар шу мустабид халифалик замонида қозиликни қабул қилса, ҳукмрон ҳукуматнинг халққа ўтказган жабру зулмларига ва жиноятларига шерик ҳисобланиб, охирати куйишини билди. Ҳукумат қўлида қўғирчоқ қози бўлиб, элюрт қарғишига қолишдан кўра, ўзини девоналикка солишни афзал кўрди. Эртаси куни уйидан чиқиши биланоқ, худди ўйинқароқ болалардек тол хипчинни от қилиб минди ва кўча-бозорларда чопиб юриб қуйидаги сўзларни тинимсиз қайтара бошлади:

— Нарироқ туринг, эҳтиёт бўлинг, отим тепади...

Бу ҳодисани эшитган халифа унинг тадбиркорлигига тан бериб деди:

— Начора! Баҳлул асосли баҳона билан қозилик юкидан ўзини халос этди.

ИЙМОНИНИ СОТГАН ДОНИШМАНД

Ҳижрий иккинчи асрнинг машҳур донишмандларидан бири Шарик ибн Абдулло Нахъий Меҳди Аббосий билан замондош эди. Аббосий халифа қозилик лавозимини, ўз фарзандлари таълим-тарбиясини Нахъийга топширишни истар, бироқ у ҳар доим турли сабаб-баҳоналарни рўкач қилиб, бу ишлардан ўзини олиб қочарди. Ниҳоят, бир куни аббосий халифа уни хузурига чақириб, шундай деди:

— Сендан учта илтимосим бор, шулардан лоақал биттасини қабул этишинг ва бажаришинг шарт. Биринчиси — қозилик мансабини қабул қилиш, иккинчиси — фарзандларим таълим-тарбиясини зиммангга олиш, учинчиси — бугуноқ менинг меҳмоним бўлиш.

Шарик ибн Абдулло бир оз хаёлга толиб, муқим қарорга келгач, жавоб қайтарди:

— Менга шартларингдан учинчиси маъқул.

Халифа ошпазга энг лазиз таомлар тайёрлаб, Нахъийни обдон меҳмон қилишни буюрди. Умрида ҳеч қачон бунақа лазиз таомни татиб кўрмаган Шарик дастурхондаги ноз-неъматларни иштиёқ билан танаввул қилди. Шу асно мулозимлардан бири халифага секингина шипшиди:

— Яқин кунларда Шарик қозиликни ҳам, фарзандларингизга устозликни ҳам қабул қилади.

Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Шарикка муносиб маош ҳам белгиланди.

Масъудийнинг «Мўруж уз-Заҳаб» («Олтин водийлар») китобида ёзилишича, бир куни тўловлар мутасаддиси билан Нахъий ўртасида гап қочиб қолади. Мутасадди унга:

— Нима, бизга буғдой сотганмисан, бунча буйруқ берасан? — дейди. Нахъий ҳам бўш келмайди:

— Мен сизларга буғдойдан ҳам ноёброқ нарсамни — иймонимни сотганман.

Форсий манақиблардан Жалил ҲАЗРАТКУЛОВ таржималари

ҲАСАН БАСРИЙ (ваф. 110/728)

Бу зот илк мутасаввифлардан бўлиб Вади ал-Қурода туғилади. Бу водий Ҳижоздаги пасттекислик, қадимда бундан карвон йўллари ўтган. Бу кишининг онаси Пайғамбар ҳазратларининг завжайи муҳтарамалари бўлмиш Ум Саломияга хизмат этар экан. Шунда онаси Ҳасанни Пайғамбар уйига олиб келар, уй ишларини бажо келтирган чоғларида, бола йиғлаганда Ум Салома уни қўлига олар ва баъзан тинчитиш ё овитиш учун кўкрагини унинг оғзига солар экан. Баъзи-баъзида болани олиб Пайғамбар, саҳобалар олдига борар ҳам экан. Ҳасан эс-ҳуши кириб, ончамунча нарсани танийдиган бўлган чоғларида бу даврадаги одамларни кўрар, баъзида улар билан гаплашиб ҳам қоларди. Жума кунлари масжидда ҳазрати Усмоннинг сўзини тинглар, ундан кўп таъсирланар эди. Чунки ҳазрати Усмон жуда нотиқ эди, ким унинг сўзини эшитса, унинг ақлига, фотиҳасига қойил қолмай иложи йўқ эди. Ёш Ҳасан бу кишининг фикр ифодалаш маҳоратидан қаттиқ таъсирланар эди. Ҳатто ундан ибратомуз сўз ва ибораларни эшитиб, хотирасида олиб қолишга интилар эди. Шу тариқа хулқ-одоб борасида у кишидан кўп нарсани ўрганарди ва у билан учрашгани ва кўрганларини бир умр сақлаб қолганини доимо эслаб юрар эди. Ҳасан ўн тўртга кирган кезларида халифа ҳазрати Усмон ўлимини ҳам кўрган, бу воқеалардан хабардор бўлган ҳам эди. У жуда ҳам заковатли, кўрган ва суҳбат қурган кишида яхши таассурот қолдирар эди. Сўзлаганда, ўта камтар, ҳар бир сўзи ҳикматнамо, ўгит даражада таъсирли бўлар эди.

АБУ-Л-ҲАСАН МУСЛИМ (819—874)

Абу-л-Ҳасан Муслим Ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Найсабурий буюк муҳаддислардан бўлиб, Нишопурда дунёга келади. Ҳадис илмига жуда эрта киришади, ўн тўрт ёшга тўлар-тўлмас Пайғамбар ҳадисларини тўплашга бел боғлайди. Шу мақсадда у Ироқ, Сурия, Миср ва Ҳижоз ўлкаларига саёҳат қилади. Ўз даврининг йирик алломалари ва муҳаддис илмини чукур ўрганишга тушади, анча обрў-эътибор қозонади. Олимлар ичида энг кўзга кўринганларидан ва улар пешқадамларидан саналади. Ниҳоят энг пешқадам олим сифатида «имом» — пешво даражасига эришади, уни Имом Муслим деб аташадиган бўлади. Бу киши Шарқда машҳур «Кутуби ситта» — «Олти китоб» муаллифлари қаторига кирганлардан бири бўлади, ҳатто олти йирик муҳаддисларни бир-бирига солиштирганда Имом Бухорийгагина ён берадиган мартабада, ундан кейин турадиган иккинчи йирик муҳаддис саналади.

Яна шуниси ҳам маълумки, Имом Муслим йирик муҳаддис олим Бухорийга замондош эди, улар бир-бирлари билан учрашган, илмий анжуманларда бирга қатнашган эдилар. Имом Муслим учун Имом Бухорийдан устун турадиган юқори бир мартабали бирор зот йўқ эди. Имом Муслим ўта меҳнаткаш, хатсаводи зўр, ёзаётган ҳар бир жумла, сўзи анча мулоҳазалар натижаси бўлганини пайқаш қийин эмас эди. У асар таълифига киришса, услуб, фикр ифодасига катта эътибор берар эди. Шу сабабдан унинг ёзган таълифлари кейинги аср олимларига анча ишонарли, тўғри манба бўлди. Бу киши ҳам Имом Бухорийга ўхшаш ажойиб ҳислари, тиришқоқлиги билан ажралиб туради. Имом Муслим ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ўта талабчан одам эди.

Муслимнинг энг йирик асарларидан бири «Жомеъ ас-Саҳиҳ» деб аталган. Бу — «Ишончли ҳадислар мажмуаси» демакдир. Бу номда бошқа муаллифлар ҳам қалам тебратганлар. Имом Бухорий ҳам шу номда асар таълиф қилган. Бундан ташқари Имом Муслим «ал-Муснад ал-кабир ала-р-рижол» («Ҳадис ривоят қилувчилар ҳақида катта манба») «Китоб ал-асмоъ ва-л-куно» («Исмлар ва куянлар ҳақида китоб»), «Китоб ал-илал» («Нуқсонлар ҳақида китоб»), «Китоб ал-акрон» («Сафдошлар ҳақида китоб»), «Аҳмад ибн Ҳанбал саволлари ҳақида китоб», «Исломдан олдин-

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0342.
5877 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Холиёр АБДИЕВ
1 2 3 4 5 6